



ТОРГОВО-ПРОМЫШЛЕННАЯ  
ПАЛАТА  
УЗБЕКИСТАНА



Посольство  
Великобритании  
Ташкент



UN  
DP  
Empowered lives.  
Resilient nations.

# КИЧИК БИЗНЕС УЧУН МАРКЕТИНГ Бўйича қўлланма

Тошкент 2019



Муаллифлар: и.ф.д. Мустафакулов Ш.И. ва PhD. Хакимов З.А.  
Дизайнер: Таджибаев Дониёр

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси-нинг «Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларида тадбиркорлик мұхитини яҳшилаш» кўшма лойихаси доирасида Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги әлчиҳонаси молиявий кўмаги асосида тайёрланди.

Қўлланманинг электрон нусхаси БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Интернетдаги [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) ва [www.chamber.uz](http://www.chamber.uz) сайтларидан ҳам жойлаштирилган.

Мазкур нашр муаллифи томонидан билдирилган фикрлар БМТ, жумладан БМТТД ва БМТга аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин.

## КИЧИК БИЗНЕС УЧУН **МАРКЕТИНГ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА**

Ушбу қўлланмада кичик бизнес маҳсулоти ёки хизматини бозорга олиб чиқишнинг ижтимоий медиа ва мижозлар учун тадбир ўтказишдан тортиб почта орқали тӯғридан-тӯғри алоқаг ўрнатиш ва рақамли рекламагача бўлган кам харажатли восита ва усуllар баён этилган. Маркетинг кўп вақт ва ҳаракатлар талаб этса-да, катта маблағ талаб этмаслиги лозим.

"Ҳар бир кичик бизнес ўзгача бўлгани каби ҳар бир маркетинг воситаси ҳам бир хил натижа беравермайди".

"Бизнесингиз яшаб колиши ва ривожланиши учун маркетинг режаси қерак. Агар сарф қилинадиган вақт, ҳаракат ва маблағга муносиб даромад келтиришига ишончингиз комил бўймаса, ҳеч қандай маркетинг ҳаракатларини амалга оширмаслик лозим".

# МУНДАРИЖА

<b>1. БОЗОР ТАДҚИҚОТИ</b>	<b>5 БЕТ</b>	
Кўзланган бозорни тадқиқ қилиш ва бизнес ғояни синовдан ўтказишнинг кам харажат ва қулай воситаларидан фойдаланиш йўллари.		
<b>2. БИЗНЕСДА БРЕНД ЯРАТИШ</b>	<b>9 БЕТ</b>	
Корхона миссияси, брендни ва бизнес мақсадларини шакллантириш учун нарх жиҳатдан самарали ва маркетинг ҳаракатларини қўлловчи усувлари.		
<b>3. МАРКЕТИНГ КАНАЛЛАРИ</b>	<b>13 БЕТ</b>	
Кўллаш мумкин бўлган турли маркетинг каналлари, уларнинг ижобий, салбий томонлари ва харажатлари.		
<b>4. МАРКЕТИНГ РЕЖАСИНИ ЯРАТИШ</b>	<b>17 БЕТ</b>	
Маркетинг режасини тузиш ва мақ-садларни белгилаш йўллари.		
<b>5. КАМХАРАЖАТ МАРКЕТИНГ</b>	<b>20 БЕТ</b>	
Бизнесни тез ва онсон бозорга олиб чиқишининг бепул ва камхаражат усувлари.		
<b>6. БИЗНЕС ВЕБ-САЙТИНИ ЯРАТИШ</b>	<b>23 БЕТ</b>	
Кўп маблағ сарф қилмай, жозибали бизнес веб-сайтини қандай яратиш мумкин?		
<b>7. "SEO" ОРҚАЛИ ИСТЕЙМОЛЧИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ</b>	<b>26 БЕТ</b>	
Raқамли рекламага ҳақ тўламай, ташриф буюувчи ва истеъмолчилар сонини ошириш учун веб-сайт самарадорлигини оптималлаштириш йўллари.		
<b>8. ИЖТИМОЙ МЕДИА МАРКЕТИНГИ</b>	<b>30 БЕТ</b>	
Кўпроқ истеъмолчиларни жалб этиш учун ижтимоий медиа каналини яратиш йўллари.		
<b>9. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАРКЕТИНГИ</b>	<b>34 БЕТ</b>	
Электрон почта манзиллари рўйхатини тузиш ва истеъмолчиларга электрон почта орқали хабар юборишнинг маркетинг усули ва истиқболлари.		
<b>10. РАҚАМЛИ РЕКЛАМА</b>	<b>37 БЕТ</b>	
Камхаражат рақамли реклама турлари ва clic учун тўлов тизими орқали реклама кампаниясини яратиш усувлари.		
<b>11. ҲАМКОРЛИК МАРКЕТИНГИ</b>	<b>41 БЕТ</b>	
Ўз номидан маҳсулот ва хизматни учинчи томон ёрдамида сотиш йўллари.		
<b>12. АНЪАНАВИЙ РЕКЛАМА</b>	<b>44 БЕТ</b>	
Маҳаллий ва бизнес-бизнесга маркетинги учун босма нашрлар ва радиодан фойдаланиш йўллари.		
<b>13. ЖАМОАТЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ (PR)</b>	<b>47 БЕТ</b>	
Жамоатчилик билан алоқалар тадбирини яратиш ва янги бизнесни матбуотда бепул ёритиш йўллари.		
<b>14. МАРКЕТИНГ ТАДБИРЛАРИ</b>	<b>51 БЕТ</b>	
Истеъмолчиларни жалб этиш учун камхаражат маркетинг тадбирларини ўтказиш, тадбирлар режасини тузиш ва якуний бажарилувчи ишларни амалга ошириш.		
<b>15. ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ МАРКЕТИНГ</b>	<b>54 БЕТ</b>	
Истемолчиларга тўғридан-тўғри сотиш ва маркетинг харажатларини самарали қоплаш йўллари.		
<b>16. ПАРТИЗАНЧА МАРКЕТИНГ</b>	<b>57 БЕТ</b>	
Истеъмолчи маҳсулотни сотиб олишига зудлик билан қарор қабул қилиш учун партизанча маркетингдан фойдаланинг!		
<b>17. МАРКЕТИНГ АТАМАЛАРИ</b>	<b>60 БЕТ</b>	
Маркетинг атама ва қисқартмаларининг мазмуни.		
<b>18. ФОЙДАЛИ ВЕБ-САҲИФАЛАР</b>	<b>63 БЕТ</b>	
Кўлланмада фойдаланилган веб-саҳифалар рўйхати.		

## МАРКЕТИНГ НИМА?

Маркетинг орқали истеъмолчи-ларни бизнесингизни топишига, маҳсулот ёки хизматни сотиб олиши ва садоқатни шакллантиришга эришасиз. Самарали маркетинг кичик бизнес муваффақияти учун муҳим воситадир.

Маркетинг маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш, реклама қилиш ва сотиш билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятдир. У реклама, тарғибот, мижозларга хизмат кўрсатиш ва жамоа алоқаларини ўз ичига олади.

Маркетинг ҳар қандай янги бизнес муваффақияти учун муҳимдир. Энг зўр маҳсулот ёки инновацион хизматларни таклиф этиш мумкин, аммо истеъмолчи бизнесдан ҳабар топмаса, уларга маҳсулот сотишнинг иложи йўқ. Маркетинг ахборотни истиқболдаги мижозларга етказиб беради ва уларни маҳсулот ва хизматларни синаб кўришга чорлайди.

Маркетинг тадбиркор учун ўз истеъмолчини топишига ёрдам берувчи бозор илмидир. Маркетингни ўрганиш бозорни тушуниш, унда фаолият юритиш, унга таъсир кўрсатиш ва уни бошқара олишга ёрдам беради. Маркетинг бозор илми ва фалсафасидир. Маркетингни ўрганиш бизнесда муваффақиятга эришишнинг гасосий дастагидир.

Маркетинг номаълум истеъмолчиларни топиш ва бозорда рақобатчидан кучли бўлишга ёрдам беради.

Маркетинг бозор, ундаги истеъмолчи ўрганишдан бошланади, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини самарали ёки улар истагандай қондирилишини таъминлайди, натижада бизнес ривожланади.

Инсон эҳтиёжларининг чексизлиги сабабли уларни ҳеч қачон самарали қондириб бўйласлиги маркетингнинг нима билан тугашини аниқлаш имконини бермайди. Шунинг учун маркетинг имкониятлари кенг ва доимийдир.

# МАРКЕТИНГНИ ТУШУНИШ

## Маркетинг нима учун керак?

Маркетинг кичик бизнес учун бозорни тушуниш, унда фаолият юритиш, унга таъсир кўрсатиш, уни бошқара олишга ёрдам беради. Бозорда харидор ва сотувчилар ўзаро муносабатга киришади, бу муносабатлар орқали икки томоннинг манфаатлари тўқнашади. Бозорда тўқнашилган манфаатлар сотувчи ёки харидор учун кўпроқ наф келтириши учун тадбиркорлар маркетингни билиши керак. Маркетинг ҳамма учун керак – чунки ҳамма бозор муносабатларининг иштирокчиси ҳисобланади.

## Маркетинг нега ўрганилади?

Бозорни яхши билмаган харидор доим сотувчилар учун хизмат қиласди, бозорни яхши билган харидорга эса сотувчилар хизмат қиласди. Бозор илми ва фалсафаси маркетингдир. Демак, маркетингни ўрганиш нафақат сотувчи, балки барча бозор иштирокчилари учун керак.

## Маркетинг қачон бизга ёрдам беради?

Маркетинг бозорда барчага керак, маркетинг тадбиркорнинг "йўлчи юлдузи", бозор муносабатларида иштирок этувчи барча субъектлар учун маркетинг бозорда ўз мақсадларини амалга ошириш, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини самарали қондиришга ёрдам беради.

## Маркетинг қандай амалга оширилади?

Маркетинг бозор муносабатлари қаерда бўлса, шу ерда амалга оширилади. Товарлар, соҳалар, тармоқларнинг ўзига хос бозор усуслари мавжуд. Шунинг учун маркетинг кичик бизнес субъектларининг тармоқ ва соҳаларидаги ўзига хослигидан келиб чиқиб амалга оширилади.

## Маркетинг билан кимлар шуғулланади?

Маркетинг билан бозор иштироклари, тадбиркорлар, корхоналар, харидорлар умуман, барча шуғулланади. Корхоналарнинг алоҳида маркетинг бўйича мутахассиси ёки маркетинг бўйича шуғулланувчи фирмалар ҳам мавжуд. Уларнинг асосий вазифаси бизнесда муваффақиятни таъминлаш-дир.

## Маркетинг қаерда?

Бозор муносабатлари қаерда бўлса, шу ерда амалга оширилади. Маркетингда нотаниш бозор ўрганилади, кириб борилган бозорда самарали фаолиятни таъминлаб беради.

## Маркетинг нимадан бошланади ва нима билан тугайди?

Маркетинг бозор, ундаги истеъмолчини ўрганишдан бошланади, уларни талаб ва эҳтиёжларини самарали ёки улар истагандай қондирилганда тугайди. Бироқ инсон эҳтиёжларининг чексизлиги сабабли уларни ҳеч қачон самарали қондириб бўлмаслиги эса маркетингнинг нима билан тугашини аниқлашга имкон бермайди.

# МАРКЕТИНГ КИЧИК БИЗНЕСГА НИМА УЧУН ЗАРУР?

## Кичик бизнесни танитади

Самарали маркетинг брендни шакллантириш, маҳсулот ва хизматни сотиб олишни истаган истеъмолчиларни топишга ёрдам беради.

## Мижозларни сақлаб қолади

Маркетинг содиқ mijozlar базасини яратишга ёрдам беради. Бу жуда муҳим жиҳат, чунки янги mijozlarни жалб этишга нисбатан амалдаги mijozlарга қайта сотиш осонроқ ва арzonроқ.

## Савдони кенгайтиради

Бренд танилгач, маркетинг жорий мижозларга кўпроқ сотиш таъминлайди ва янги мижозлар сонини кўпайтиришга хизмат қиласди.

## Рақобат қилиш ва ўсишга ёрдам беради

Яхши маркетинг ҳаракати йирикроқ ва бозорда ўз ўрнини эгаллаган брендлар билан рақобат қилишга, кичик бизнеснинг ривожланиши ва кенгайишига имконият яратади.

## МАРКЕТИНГНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Янги эҳтиёжлар шаклланиши ва ҳақиқий талабга айланиш жараёнларини кузатиб бориш ҳамда уни ўз вақтида қондиришга эришишни асосий масала сифатида белгилаш керак. Бунинг учун 7 та қоидага амал қилиш лозим:

- **Биринчи қоида.** Эҳтиёжларни англаш. Истеъмолчилар қандай товар ёки хизматни кутаётганлигини кузатиб бориш.
- **Иккинчи қоида.** Истеъмолчиларнинг хотирасидаги маълумотни топиш. Уларнинг истагини билиш бизнесда муваффақиятга эришишнинг асосий қалитидир.
- **Учинчи қоида.** Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини туркумлаш, улар турлича бўлади: физиологик, ҳимояланиш, муҳаббат, ҳурмат, билим олиш, эстетик завқ, ўз-ўзини ривожлантириш.
- **Тўртинчи қоида.** Қайси эҳтиёжни қондириш кераклигини билиш лозим. Истеъмолчиларни таҳлил қилиш: харидорларнинг эҳтиёжлари ўзгариши, талаб сабабларини ўрганиш, товарлардан фойдаланишининг умумий жиҳатлари ва товарни сотиб олишга ундовчи сабабларни аниқлаш.
- **Бешинчи қоида.** Истеъмолчининг эҳтиёж ўзгаришига мойиллиги ва сабабини баҳолаш: харидорларнинг ёши, даромади, миллати, ижтимоий ҳолати, маълумоти бўйича сегментлаш ва уларни доимо таҳлил қилиб бориш.
- **Олтинчи қоида.** Харидорларнинг янги товарларни идрок қилишига тайёрлигини аниқлаш ва шу товар билан бозорга киришга интилиш.
- **Еттинчи қоида.** Харидорлар орасидан товарга эҳтиёж мавжудларини ажратиш ва уларга эҳтиёжига мос товар тақдим этиш.



### 1-тест: Маркетингнинг асосий мақсади:

**Тўғри жавоб:** истеъмолчи эҳтиёжларини самарали қондиришdir.

**Муқобил жавоб:** сотовни кўпайтириш орқали фойда олишни таъминлаш.

**Муқобил жавоб:** корхонанинг рентабеллиги ошиб боришини таъминлаш.

**Муқобил жавоб:** корхона бозор фаолиятини самарали бошқариш орқали асосий фойдани кўпайтириш

### 2-тест: Бозор сегменти:

**Тўғри жавоб:** мақсадли истеъмолчилар гурухи;

**муқобил жавоб:** бозордаги истеъмолчилар сони;

**муқобил жавоб:** бозор фаолияти субъектлари;

**муқобил жавоб:** мақсадли истеъмолчиларни жалб этиш йўллари.

### 3-тест: Бозордаги фаолиятингизни қандай баҳолайсиз?

**тўғри жавоб:** бозордаги улушим бозорнинг ўсишига нисбатан юқори бўлса, мен самарали фаолият юритмоқдаман;

**муқобил жавоб:** бозорда товарни қанчалик кўп сотсан, фаолиятим самарали бўлади;

**муқобил жавоб:** корхонада ишлаб чиқарилаётган товарларимни бозордаги рақобатчига нисбатан сифатли ишлаб чиқарсан, шунда бозор фаолиятим юқори даражада бўлади;

**муқобил жавоб:** рақобатчиларга нисбатан товар сотиш ҳажми кўпайса, бозордаги фаолиятим самарали бўлади.

### 4-тест: Маркетинг қандай фаолият?

**тўғри жавоб:** истеъмолчилар эҳтиёжларини самарали қондиришга қаратилган фаолият;

**муқобил жавоб:** корхонанинг бозордаги фаолиятини белгилаб берувчи фаолият;

**муқобил жавоб:** корхонанинг маҳсулотларни сотиш жараёнларидағи фаолияти;

**муқобил жавоб:** истемолчиларга хизмат кўрсатувчи фаолият.

# 1. БОЗОР ТАДҚИҚОТИ



# БОЗОР ТАДҚИҚОТИ

Маркетинг тадқиқотлари ҳар қандай кичик бизнес учун энг муҳим фаолият ҳисобланади. Маҳсулот ва хизматларга бозорда талаб мавжудлиги ва таклиф қилаётган бизнес ўзини оқлашини аниқлаш, бизнесда хато қилмасликка ёрдам беради. Бозор тадқиқоти харидорларнинг тўлашга тайёр бўлган пул миқдори, маҳсулотни сотиб олишга чорловчи жиҳатлари ва ҳатто янги таклиф қилинмоқчи бўлган маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш билан боғлиқ энг муҳим маълумотларни беради.

## Маркетинг тадқиқоти қўйидаги мақсадларда ўтказилади:

### • Мижозларни тушуниш учун

Истеъмолчиларнинг қаерда яшаши, нимани хуш кўриши, харид қилиш одатлари, қизиқишлигини аниқлаш. Бу бизнесни бошлаш ва ривожлантириш, истеъмолчилар эҳтиёжларини самарали қондиришга ёрдам беради.

### • Бизнес ғояни баҳолаш учун

Бизнесни бошлашдан олдин ғояларни қайта кўриб чиқиш, етти ўлчаб бир кесиш, маҳсулот нархини рақобатчилар билан таққослаш, унга талаб мавжудлигини аниқлаш керак.

### • Бизнесни ривожлантириш учун

Харидорлардан доимий равища кўрсатилаётган мижозлар хизмати ҳақидаги фикрларидан тортиб, маҳсулотдан қандай фойдаланишларигача бўлган маълумотни олиб туриш – бизнесни яхшилаш ва келажакда янги маҳсулотларни режалаштириш учун самаралидир.

### • Бренд ва рақобатчиларни таҳлил қилиш учун

Бренд ҳақида харидорлар қандай фикрда эканликларини ўрганиш ва рақобатчилар қандай баҳолашларини аниқлаш асосида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш керак.

### • Пресс-релиз ишлаб чиқиш учун

Кўпинча писанд қилинмайдиган лекин, мижозлар сўрови ёки бозор тадқиқотига асосланиб, оммавий ахборот воситалари учун тайёрланган матбуот баёноти ҳам кичик бизнесга харидорлар эътиборини қаратиш имкониятини оширади.

Бозор тадқиқотларини ўтказиш бўйича тавсиялардан фойдаланиб, бизнесни бошлашдан олдин мижозлар истагини аниқлаш лозим.

## Бозор тадқиқоти қандай ишлайди?

Маркетингда икки хил – кабинет ва дала усуllibарига асосланган тадқиқотлар мавжуд.

1

### КАБИНЕТ ТАДҚИҚОТ УСУЛИ

Кабинетга асосланган усул бозорни онлайн тадқиқ қилиш, оммавий нашрлардан, расмий ҳужжатлардан ва бозор ҳолатлари ҳақида маълумот олиш имконига эга турли сайтлар ва давлат порталларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Бунда [www.chamber.uz](http://www.chamber.uz), [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайтлари ҳам ёрдам бериши мумкин.

2

### ДАЛА ТАДҚИҚОТ УСУЛИ

Дала тадқиқотига асосланган усулда мижозлар билан учрашиш, фокус гуруҳлари ўтказиш ёки мижозларнинг ҳарид жараёнларини кузатишни ўз ичига олади. Мижозлар гуруҳини маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олдинги намунасини синааб кўриши ва ўз фикрларини бериш учун таклиф қилиш, ёки кўчада сўров ўтказиш орқали бозор тадқиқотини ўтказиш мумкин.



# БОЗОР ТАДҚИҚОТИ

Маркетинг тадқиқотлари  
усуллари ўртасидаги мавжуд  
фикрларни тушунишга ҳаракат  
қилиш лозим.

## Бозор тадқиқоти технологиялари

Бозорни тадқиқ қилишнинг кўплаб усувлари мавжуд. Баъзиларини кам ҳаражат эвазига бажариш мумкин, баъзиларига маркетинг тадқиқотларини ўтказувчи компаниялар хизматларидан фойдаланиш талаб этилади.

### Кабинет тадқиқот усули

Маркетинг тадқиқотларини ўтказишида тайёр ахборотлар баъзаларидан фойдалаш лозим. Бозорни ўрганишда тайёр нашрлар ёки он-лайн маълумот баъзаларидан ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Давлат статистика қўмитасида истеъмолчиларнинг демографик кўрсаткичлари, хусусан, ёши, фаолият тури ва манзиллари ҳақида маълумот олиш мумкин. Маҳаллий кутубхонага бориш ёки он-лайн тарзда ҳам бозор тадқиқотларини ўтказиши имкониятлари мавжуд, масалан [my.gov.uz](http://my.gov.uz), [www.chamber.uz](http://www.chamber.uz), [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайтларидан турли йўналишларда ахборотлар олиш мумкин.

Бозор ҳақида Савдо-саноат палатаси сингари нодавлат ва давлат ташкилотларидан кўплаб маълумотларни олиш мумкин, масалан, истеъмолчиларнинг географик жойлашуви ёки демографик хусусиятлари ҳақидаги статистик ва жорий маълумотлар шулар жумласидандир. Бундай маълумотлар бизнес-режани ишлаб чиқиш, талаб ва бозор холатини прогнозлашга ёрдам беради.

### Сўров усули

Сўров – товар ёки хизматлар ҳақида истеъмолчиларнинг фикри, мулоҳазаси, тасаввури, дунёқарашини билиш учун ўтказилади. Сўров ўтказишида олдиндан махсус тайёрланган саволжавоб (тест) шакидаги анкетадан фойдаланиш лозим. Сўров ўтказиши учун веб-саҳифадан ташқари жуда кўп белул он-лайн платформалар ҳам мавжуд, масалан:

[SurveyMonkey](https://www.surveymonkey.com) (<https://www.surveymonkey.com>),  
[Google Forms](https://www.google.com/forms/) (<https://www.google.com/forms/>),  
Telegram ёки Facebook ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб мижозларга электрон мактуб ёзиш ёки хабар юбориш орқали ҳам сўров ўтказиши мумкин.

Телефон орқали сўров ёки шахсий сўровлар ўтказиш энг мукобил йўлдир. Телефон хотирасида ийғилиб қолган рақам эгалари ҳам сўровга жавоб бериши мумкинлиги унутмаслик ва бундан уялмаслик керак. Шахсий сўров ўтказиш учун олдиндан режа тузиш ва белгиланган сценарий бўйича ҳаракат қилиш, сарфланадиган вақт ва ким учун ўтказилаётганини аниқ белгилаб олиш керак. Сўров ўтказишида саволлар қисқа ва аниқ белгилаб олиниши лозим.

### Сўров усули

Маркетинг маълумотларини олиш учун фокус гуруҳ учрашувини ўтказиш энг самарали усуздир. Фокус-гурухнинг асосий мақсади мақсадли истеъмолчилар ва уларнинг қизиқишиларини аниқлашдан иборат. Бироқ, фокус гуруҳ ташкил қилиш қийинроқ ва маблағ талаб этади. Фокус гуруҳ учрашувига 8-10 нафар киши жалб этилиб, 1 соатдан 2 соатгача вақт ажратилади. Ҳар бир иштирокчини албатта рафбатлантириш лозим.

Агар фокус гуруҳ қатнашчиларига янги маҳсулот ёки хизмат тури ҳақида маълумот берилса, улардан маълумотни тарқатмаслик ҳақида шартнома имзолаб олиш ва учрашув пайтида билдирилган фикрларни телефонга ёзиб олиш ва керакли ёзувлар орқали ҳам муҳрлашга ҳаракат қилиш талаб этилади. Фокус гуруҳ ишини сир саклаш керак. Фокус гуруҳ иштирокчиларига янги маҳсулот ёки хизматни таништирмаслик мақсадга мувофиқ.

## ФОКУС ГУРУХ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Иштирокчилар сони	8-12
Гурӯҳ таркиби	Респондентларнинг дастлабки танлови асосида
Муҳит	Норасмий, бироқ кулай эмас
Вақти	1-3 соат
Ёзув шакли	Аудио ёки видео, стенограмма
Бошловчи	Ўта киришувчан бўлиши керак



### 1-тест: Бозорда нима учун маркетинг тадқиқотлари ўтказилади?

**тўғри жавоб:** истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларини аниқлаш ва тўғри қондириш мақсадида;

**муқобил жавоб:** юқори даромад ва корхонада иш ўринларини яратиш мақсадида

**муқобил жавоб:** маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошириш мақсадида;

**муқобил жавоб:** рақабатчилардан устун бўлиш мақсадида.

### 2-тест: Бозорда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш деганда нимани тушунасиз?

**тўғри жавоб:** бозор ҳолатини ўрганиш, истеъмолчиларни аниқлаш, талаб ва таклиф таҳлили, рақобат ҳолатини аниқлаш;

**муқобил жавоб:** корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини аниқлаш орқали стратегия ишлаб чиқиш;

**муқобил жавоб:** бозордаги истеъмолчиларнинг сотувчига муносабатини шакллантириш;

**муқобил жавоб:** бозорда мавжуд ассортиментини аниқлаш орқали уни кенгайтириш йўлларини топиш.

### 3-тест: Маркетинг тадқиқотларини ўтказишда сўров усулига хос бўлмаган йўналишни белгилаш

**тўғри жавоб:** истеъмолчиларнинг дўйондаги хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали ахборот тўплаш;

**муқобил жавоб:** истеъмолчиларга анкета тарқатиш орқали ахборот тўплаш;

**муқобил жавоб:** истеъмолчиларни тестдан ўтказиш орқали ахборот тўплаш;

**муқобил жавоб:** корхона раҳбарлари билан интервьюлар ўтказиш орқали ахборот тўплаш.

### 4-тест: Фокус гурӯҳ ишида ҳал этиб бўлмайдиган муаммони кўрсатиш?


**тўғри жавоб:** маҳсулотга реал талаб миқдорини аниқлаш;

**муқобил жавоб:** нарх даражасининг истеъмолга мувофиқлиги;

**муқобил жавоб:** реклама ролигини истеъмолчилар томонидан қабул қилиниши;

**муқобил жавоб:** бизнес фаолиятини янада тақомиллаштириш йўллари.

## 2. БИЗНЕСДА БРЕНД ЯРАТИШ



# БИЗНЕСДА БРЕНД ЯРАТИШ

Бренд, бизнес мақсади ҳамда миссиясини шакллантириш орқали корхона маркетингини кучайтириш мумкин.

Истеъмолчилар товар сотиб олишдан кўра, бренд орқали ўз хис-туйғуларини сотиб олиши авфзал биладилар. Бренд харидорларни илҳомлантиради. Харидорлар янгиликларга мойил бўлганликлари учун брендга ишонадилар.

Бундай ҳолат янги бизнес учун жуда тўғри ҳисобланади. Харидорлар узоқ муддатли танилган бренд тарихисиз, эътиборни жалб этмайдиган ва

бизнесга ишонч уйғотмайдиган кичик бизнес брендини тез қабул килмасликлари мумкин.

Брендни яратишдан асосий мақсад содиқ истеъмолчиларни шакллантириш ва уларни сақлаб қолиш ҳисобланади. Истеъмолчининг брендга содиқлигини хариддан манфаатдорлигини ошириш ва доимий харид қилишга рағбатлантириш орқали кучайтириш керак.

## БРЕНД МАҚСАДЛИ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАШ

Бренд маҳсулот қийматини оширишдаги асосий восита эканлигини унутмаслик лозим. Истеъмолчиларда маълум товарга бошқа товарлар tengлаша олмаслигини сингдиришга ҳаракат қилиш керак.

Бунинг учун қўйидагиларни эътибордан четда қолдирмаслик зарур:

**Unique Selling Point (USP) - Ноёб савдо нуқтаси (НСН)**

Рақобатчига нисбатан бизнесингиз фарқи нимада?

### Ишониш учун асос

Нима учун истеъмолчи бизнесингизга ишониши керак? Бизнесингизни қандай ноёб, қизиқтирадиган ва бошқалардан фарқли жиҳатлари мавжуд?


### Бизнесингизнинг асосий мақсади нима?

Брендингиз қандай маънони англатади? Бизнесингизнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беринг. Масалан, мижлозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш, маҳаллий хомашёга асосланган, барқарор маҳсулотлар сотиш, ҳафта давомида кунига 24 соат бехатар етказиб бериш хизматини таклиф қилишни назарда тутиш мумкин.

Булар одатда миссиянинг асосий баёноти сифатида ифодаланади – бизнесингиз нима учун мавжудлиги, нимани англатиши ва нималарга эришиш мақсад қилганингизни ифодалайди. Кўйидагилар бизнесингизда муҳим ўрин тутиши керак: истеъмолчига дўстона муносбат, ишонч, ғамхўрлик, фахм-фаросат ва билимга эгалик.

## Тавсия!

Маркетинг ҳаракатларингиз сотаётган маҳсулот ва хизматларингиз билан бирга компания мақсадлари ва қадрятлари ҳам истеъмолчиларга бренд орқали етиб боришига ишонч ҳосил қилинг.



# БИЗНЕСДА БРЕНД ЯРАТИШ

Бренд, бизнес мақсади ҳамда миссиясини шакллантириш орқали корхона маркетингини кучайтириш керак.

## БРЕНД АСОСЛАРИ

Бренд асосини яратиш муҳимдир. Веб-саҳифа ва электрон почта манзаллари, барча рекламаларда бренд номи ва логотип бир хил бўлишини таъминлаш талаб этилади.

Бренд асоси билан ишлаш – унинг қиймати, мижозлар ишониши учун фарқ ва сабабларни тушуниш керак. Маркетинг воситаларидан фойдаланишда эҳтиёт чораларини кўриш лозим, агар брендни ифодаламаса, улардан фойдаланмаслик керак.

## БРЕНД ЛОГОТИПИ

Логотип дизайнини профессионал даражада тайёрлаш учун етарлича маблағ ажратиш лозим. Логотипда бизнес мақсади ва номини ифода этилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Логотип эслаб қолиш учун осон ва қайта тикланувчан бўлиши лозим, шунинг учун оддий шакл ва белгилардан фойдаланиш маъқулроқ. Логотип қора ва оқ рангларда ҳам таниладиган бўлиши лозим. Агар маблағ етарлича бўлса Fierr ([www.fierr.com](http://www.fierr.com)) га мурожаат этиш мумкин.

## БРЕНД РЕКЛАМАСИ

Бренд барча маркетинг воситалари учун асос бўлиб хизмат қилганлиги туфайли ундан барча ҳаракатларда айниқса, рекламаларда фойдаланиш лозим. Шунинг учун бу ижодий ишга бир оз сармоя ажратиш маъқулдир. Брендда миссия ва қадриятни тасвирлаш учун реклама намуналарини яратишда дизайннерлар хизматидан фойдалаш керак. Реклама намунасини яратиш учун барча воситалар уйғунлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Қандай сўз ва тасвирлардан фойдаланиш мумкинлиги ва нималардан қочиш кераклигига асосий эътибор қаратиш зарур.

## БЕЛГИЛАНГАН ҚОИДАЛАР

Ичиллик брендда ҳам муҳим, шундай экан маркетинг ва реклама учун асосий қоидаларни белгилаб олиш керак. Логотип қаерда пайдо бўлади? Қандай қисқа фаразлардан фойдаланилади? Веб-саҳифада қандай кўринишда жой олади? Қоидаларга амал қилиш орқали брендни турли маркетинг каналлари орқали истеъмолчиларга онсон тақдим этиш мумкин.

## ИЧКИ МУҲИТГА ЭЪТИБОР

Бренднинг мазмун жиҳатдан ўзига хослиги истеъмолчилар эътиборини кўпроқ жалб этади, шунинг учун доимо унинг қийматини яратишга ҳаракат қилиш керак. Бренд қийматини яратишда нафақат раҳбарлар, балки ходимларни ҳам жалб этиш лозим. Аввало барча ходимларнинг корхона брендига содиқлигига эришиш зарур.





#### 1-тест: Бренд учун муваффақият формуласи қандай?

**тұғри жавоб:** истеъмолчи шу брендга әргашиши ва содиқ қолиши;  
**муқобил жавоб:** бошқа белгиларға үхшамаслиги ва таниклииги;  
**муқобил жавоб:** бозорда күп учрашига әришиш имконини бериши;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчининг шу брендни сотиб олишга мажбурлиги.

#### 2-тест: Бренднинг барқарорлигини яратишнинг муҳим омили:


**тұғри жавоб:** содиқлик;  
**муқобил жавоб:** жавобгарлик;  
**муқобил жавоб:** масъуллик;  
**муқобил жавоб:** бошловчилик.

#### 3-тест: Муваффақиятли бренд:

**тұғри жавоб:** истеъмолчиларнинг содиқлиги, садоқати;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчилар томонидан тан олинган сифат, сервис ва кафолатнинг юқорилиги;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларнинг пул тұлашга тайёр бўлган ўзгача кўринишдаги товар дизайнни;  
**муқобил жавоб:** самарали маркетинг воситалари орқали истеъмолчиларда шаклланган товарни сотиб олиш истаги.

#### 4-тест: Брендинг стратегиясининг асосий мақсадлари нимага қаратиласди?

**тұғри жавоб:** истеъмолчилар онига таъсир этиш асосида товарга содиқлик туйғусини шакллантириш;  
**муқобил жавоб:** товарларни янада яхшироқ тушуниш ва улардан фойдаланиш йўлларини билиш;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларга товарни реклама қилиш;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларнинг бозордаги хатти-ҳаракатларини ўзгартариш.



### 3. БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ УЧУН МАРКЕТИНГ КАНАЛЛАРИ

# БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ УЧУН МАРКЕТИНГ КАНАЛЛАРИ

| Мақсадли бозорига эришиш учун энг яхши маркетинг каналларини ўрганиш керак.

Кўплаб кичик бизнес сохиблари маркетинг орқали самарали натижаларга эришишга, айниқса чекланган бюджет билан қийналадилар. Мижозларни жалб этиш бўйича самарали маркетинг каналини билиш маркетинг сармояларидан максимал даражада натижа олиш ва мақсадли мижозларни жалб этиш имкониятини беради.

## Маркетинг каналларини танлашда қуидагиларга эътибор қаратиш керак:

### Мақсадли аудитория.

Мақсадли аудитория қайси маркетинг каналларидан фойдаланишини кузатиш лозим. Керакли маркетинг каналларини белгилашга истеъмолчиларнинг ёши, жинси, жойлашган ҳудуди ва иқтисодий мақоми кабилар ёрдам беради. Рақобатчиларнинг рекламаси, истеъмолчиларнинг он-лайн фаоллиги ва қайси ижтимоий тармоқларда кўп вақт сарфлашини билиш зарур. Аниқ маълумот олиш учун бозор тадқиқотларига мурожаат этиш талаб этилади.

### Пул тўланувчи ва бепул каналлар.

Харидорларнинг баъзи гурухлари учун бепул маркетинг каналларини танлаш мумкин, аммо унга кўп вақт ва куч талаб қилинади. Пул тўланадиган рекламалар самарали албатта, бироқ улар қиммат ҳисобланади. Тавсия этилган реклама воситаларидан фойдаланиш эса қулай ва самаралидир.

### Маркетинг мақсади.

Танлаган маркетинг канали бизнес мақсадига мос тушиши лозим. Масалан, биройда бир марта нашр этиладиган журналларга нисбатан ижтимоий медиа каналларидан фойдаланиб, бизнесни 24 соат давомида реклама қилиш афзалроқ.

## ИЖТИМОЙ МЕДИА

Нархи: Бепул

Ижобий жиҳати:  
ўрнатиш осон

Салбий жиҳати:  
ўсиш учун кўп вақт сарфланади

Платформалар: Facebook, Twitter, YouTube, Linkedin

Ижтимоий медиа самарали, бироқ унда меваф-фақиятли иштирокни таъминлаш учун вақт талаб этилади. Ижтимоий медиа каналлари маҳсулот ва хизматларни мақсадли аудиторияга сотиш, брендга содиқликни ошириш ва мижозлар билан муносбаталарни ривожлантиришнинг самарали усулидир.

Бепул ижтимоий медиа кўп вақт талаб этиади. Қизиқиши сақлаб қолиш учун маълумотларни тез-тез юклаш ва мижозлар билан доимий мулоқот қилиш лозим. Шунингдек, реклама қилиш учун ижтимоий тармоқлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳар бир платформанинг ўзига хослиги, ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Шунинг учун уларга маблағ сарфлашдан олдин уларни синовдан ўtkазиш тавсия этилади.

## ЭЛЕКТРОН ПОЧТА (EMAIL) МАРКЕТИНГИ

Нархи: Пулли

Ижобий жиҳати:  
арzon ва мақсадли

Салбий жиҳати:  
манзиллар рўйхатини яратиш вақт талаб этиади

Платформалар: MailChimp, Campaigner

Бунинг учун хабарларни жўнатишга рухсат этилганларнинг электрон манзиллари рўйхати керак. Бу ҳолда оммавий электрон почта хизматларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Электрон почтадан фойдаланиш учун 34 бетга қаранг.

# БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ УЧУН МАРКЕТИНГ КАНАЛЛАРИ

| Ҳар бир маркетинг каналининг фойдали жиҳатларини ўрганиш лозим.

## РАҚАМЛИ РЕКЛАМА

Нархи: Пулли

**Ижобий жиҳати:**  
мақсадли, натижага қараб тўлов амалга оширилади

**Салбий жиҳати:**  
Рақобат юқори ва қиммат

**Платформалар:** Яндекс Директ, Google AdWords, Bing

Он-лайн рекламалар турли хил бўлиб, уларга тўлов ўтказишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Экранли реклама - график рекламаларини ўз ичига олиб, улар веб-сайтнинг мос саҳифасига жойлаштирилади.

Босилган ҳаволага караб ҳақ тўлаш (Pay per click (PPC)) услубида – истиқболодаги мижоз рекламадаги ҳаволани босиб, веб-саҳифага кирганидагина ҳақ тўлаш шаклидир. Энг кенг тарқалган PPC реклама турлари қидирув тизимлари орқали амалга оширилади, масалан, Яндекс Директ ёки Google Ads. Он-лайн реклама орқали керакли мижозларни яхшироқ мўлжаллаш ва reklamani қай даражада самара берётганини кузатиб бориш мумкин. Батафсил маълумотлар қўйидаги саҳифада:

[https://ads.google.com/intl/en\\_uz/start/](https://ads.google.com/intl/en_uz/start/)

## ОФ-ЛАЙН РЕКЛАМАСИ

Нархи: Пулли ва қиммат

**Ижобий жиҳати:**  
омма қамрови, ишончили каналлар

**Салбий жиҳати:**  
қиммат, натижаларни баҳолаш мушкул

**Платформалар:** Газеталар, телевидение, радио ва савдо кўргазмалари

Оф-лайн медиа нашрлар, телевидение, радио ва кўргазмаларни ўз ичига олади. Маҳаллий нашрлар, савдо журналлари ва бизнес маълумтономалардаги рекламадан тортиб то маҳаллий радиодаги рекламалар кўплаб мижозларга етиб бориши мумкин.

## ҲАМКОРЛИК МАРКЕТИНГИ

Нархи: Пулли ва ўртача нархлар

**Ижобий жиҳати:**  
маркетинг қамровини кенгайтиради

**Салбий жиҳати:**  
вақт талаб этади ва фойдага шериклик қиласди

**Платформалар:** Affiliate Window, Trade Doubler  
Ҳамкорлик маркетинги жалб этилган мижоз нархи учун тўлов (Cost Per Acquisition (CPA)) шаклида ишлайди, яъни учинчи томондан йўналтирилган ҳар қандай харидор учун унга қилинган савдодан комиссия тўланади. Бу одатда сотув нархидан 30 % атрофида белгиланади. Бунинг ишлаш шакли ҳамкор гуруҳ яратиш ёки мавжуд гурухлардан фойдаланишга асосланади.

Ҳамкорлик маркетинги ҳақида кўпроқ билиш учун [хх бетга қаранг](#).



## БЕПУЛ РЕКЛАМАНИНГ МУҚОБИЛ ЙЎЛЛАРИ

Агар сизда маркетинг бюджети кичик бўлса, истеъмолчиларнинг бизнесингизга қизиқишини уйғотиш мақсадида медиа каналлари орқали реклама имкониятларидан фойдаланиш тавсия этилади. Пресс-релиз ёзиш тӯғрисида 49 бетда маълумот олиш мумкин. Муқобил равишда веб-саҳифа яратиш (23 бет) ва қидирув тизими оптимизацияси (SEO) техникаси (26 бет) орқали жуда кам харажат эвазига кўплаб мижозларни жалб этиш имконияти мавжуд.



#### **1-тест**

##### **Ижтимоий медиа каналлари платформалари берилган қаторни күрсатинг:**

тұғри жавоб: facebook, twitter, youtube, linkedin

муқобил жавоб: Affiliate Window, Trade Doubler

муқобил жавоб: mail.ru, gmail.ru, umail.uz

муқобил жавоб: google adwords, Bing

#### **2-тест**

##### **Езма хабар юбориш имконияти чекланган маркетинг каналларини топинг**

тұғри жавоб: youtube, Affiliate Window, Trade Doubler

муқобил жавоб: facebook, mail.ru, twitter, linkedin

муқобил жавоб: gmail.ru, umail.uz, Trade Doubler

муқобил жавоб: youtube, Affiliate Window, gmail.ru

#### **3-тест**

##### **Кичик бизнесда маркетинг каналларидан қандай мақсадлардан фойдаланилади?**

тұғри жавоб: реклама, истеъмолчиларни жалб қилишда;

муқобил жавоб: маҳсулотларни сотиши ва маркетинг режасини ишлаб чиқышда;

муқобил жавоб: маркетинг тадқиқотларини олиб боришка;

муқобил жавоб: брендинг стратегиясини белгилашда.

#### **4-тест**

##### **Ҳамкорлық маркетинги асосида жалб этилган мижоз учун ҳақ тұлаш қандай тизимда амалга оширилади?**

тұғри жавоб: Cost Per Acquisition (CPA)

муқобил жавоб: Pay per click (PPC)

муқобил жавоб: CLICK

муқобил жавоб: Affiliate Trade Click (ATC)

## 4. МАРКЕТИНГ РЕЖАСИНИ ЯРАТИШ



# МАРКЕТИНГ РЕЖАСИНИ ЯРАТИШ

Яхши тузилган маркетинг режаси ҳар қандай бизнес учун энг мұхим восита ҳисобланади. Маркетинг режаси бизнеснинг асосий мақсадларини амалга ошириш ва бозорда самарали фаолияти юритиш йўналишларини белгилаб беради. Маркетинг режаси бизнес-режадан фарқ қиласи. Маркетинг режасида мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш, маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатишдан олиш эҳтимоли бўлган фойда тўғрисида маълумот беради. Маркетинг режасида бозорда маҳсулот ва хизматларни қандай жойлаштириш, нарх белгилаш, реклама ва маркетинг каналларидан фойдаланиш йўллари ўз аксини топади. Энг мұхими – маркетинг мақсадларидан кутилаётган иқтисодий натижани кўрсатади.

Маркетинг режаси мұхим ҳужжатdir. Ёзилгандан кейин уни доимо кузатиб бориш ва фойдаланиш талаб этилади. Бу эса бизнесда стратегик мақсадларга әришиш ва унинг тараққиётини кузатиб бориш имконини беради. Бозор ёки иқтисодий ҳолат талаб этса, уни ўзгартиришдан чўчимаслик, кичик бизнесдаги мослашиш қобилияти рақобат курашидан сақланишдаги асосий хусусиятдир.

## ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДАН БОШЛАШ ЛОЗИМ

Маркетинг режасини бизнесдаги "вазиятини таҳлил қилиш" асосида тузиш керак. Бунга қўйидагилар киради:

### Бизнес фаолият

Маркетинг режасини тузишдан олдин "нима қиласман?" "Қандай маҳсулот ишлаб чиқараман?" ёки "Қандай хизмат кўрсатаман?" каби саволларга жавоб топиш лозим.

### SWOT таҳлили

Бизнеснинг кучли (S), заиф (W), имконият (O) ва хавф (T) ларини аниқлаш керак. Кучли ва заиф томонлар бизнеснинг ички омиллари, имконият ва хавфлар эса рақобатчилар сингари ташки омиллардир.

**Истеъмолчилар ишончи учун рақобатчилардан фарқли жиҳатларини асослаш лозим**  
Бизнесингиз рақобатчилардан нимаси билан

Рекламадан самарали натижа олиш учун уни амалга оширишдан олдин маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш керак.

фарқ қиласи? Мижозлар нуқтаи назаридан бизнесингизга истеъмолчиларнинг ишониши учун қандай фарқли жиҳатлар мавжуд. Паст нархми? Юқори сифатми? Мижозга сифатли хизмат кўрсатишми? Янги бизнесни бозорга олиб чиқишда маркетинг ахборотлари орқали шу жиҳатларга эътибор қаратиш керак.

## МАРКЕТИНГ РЕЖАСИ ТАРКИБИ

### Мақсадли аудиторияни аниқлаш.

Маркетинг фаолияти самарадорлиги харидорлар ва уларнинг эҳтиёжларини қай даражада тушунишга боғлиқ. Истеъмолчиларнинг жинси, ёши, жойлашуви ва харид қилиш одатларига оид маълумотларни тўплаш учун бозор тадқиқоти ўтказиш керак. Мақсадли истеъмолчилар нимани ёқтиришини ўрганиш керак, масалан: сифатми ёки мижозларга хизмат кўрсатишми? Истеъмолчилардан қанча вақт оралиғида сотиб олиши, қандай медиадан фойдаланиши, брендга қай даражада содиқлиқлiği ва қандай қониқтирилмаган эҳтиёжлари мавжудлиги ҳақида сўраш лозим.

Маркетинг режасида мақсадли аудиторияни уч ёки тўртта сегмента ажратиш зарур. Кейинчалик ҳар бир сегмент учун маркетингнинг ўзига хос канали, имиж ва рекламасини танлаш керак.

**Нарх белгилаш ва бозордаги ўрнини аниқлаш.**  
Маҳсулот ёки хизмат мижозларни эҳтиёжларига жавоб берувчи максимал имкониятлар рўйхатини тузиш керак. Бизнеснинг мұхим савдо нуқтасини (НСН) истеъмолчилар юқори қадрлайдиган ёки рақобатчиларга нисбатан устун жиҳатинзга асосланган ҳолда топиш зарур. Рақобатчилар нархига эътибор қаратиш ва истеъмолчиларнинг уларга қанча тўлашга тайёр эканликларини аниқлаш учун бозор тадқиқотларини ўтказиш талаб этилади.


### Маркетинг мақсадларини белгилаш.

Маркетинг мақсадларини белгилаш керак. Ушбу мақсадлар сотиш ҳажми ёки веб-саҳифага ташриф буюрувчиларнинг қанча фоизи мижозга айланиши мумкинлигига эътибор қаратиш лозим. Масалан, веб-сайт орқали бир ҳафта давомида 10 та истеъмолчи мижоз бўлиши кўзда тутилса, демак уни албатта маркетинг

режасида инобатта олиш керак. Сүнгра веб-саҳифага ташриф буюрувчилар сонини кўпайтириш учун рақамли реклама, ижтимоий медиа ва электрон почта маркетинги сингари тадбирларни режалаштириш мумкин.

#### **Натижаларни кузатиб бориш.**

Қабул қилиш мумкин бўлган барча чораларни белгилаш керак: рекламани кўрганлар, мижозлар сони, энг кўп истеъмолчиларни таъминлаб бераётган маркетинг каналлари ва ушбу мижозларнинг қай даражада содиқлигини кузатиб бориш лозим. Агар ҳар бир каналдаги мижозлар ҳолати ва маркетинг каналлари учун қилинган инвестициялар тушумини аниқ ўлчай олинса, сарфлаётган маблағ учун кўпроқ харидорлар жалбәтаётган канал топилади.



#### **1-тест:**

##### **SWOT таҳлилиниң асосий таркиби қисмларини белгиланг**

**тўғри жавоб:** кучли ва заиф томонлар, имконият ва хавфлар;

**муқобил жавоб:** рақобатчилар, истеъмолчилар, харидорлар ва харажатлар;

**муқобил жавоб:** товар, нарх, сотиш сиёсати ва маркетинг каналлари;

**муқобил жавоб:** бозор, рақобат, товар ва харидор.

#### **2-тест:**

##### **Маркетинг режасининг таркибини белгиланг**

**тўғри жавоб:** мақсадли аудиторияни аниқлаш, нарх белгилаш ва бозордаги ўрнини аниқлаш, маркетинг мақсадларини амалга ошириш йўллари, натижалар кузатуви;

**муқобил жавоб:** мақсад, нарх белгилаш, таҳлил, натижалар аудити;

**муқобил жавоб:** бозордаги мақсадлар ва мақсадли аудитория, натижалар аудити, нахни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, сотишни амалга ошириш йўллари;

**муқобил жавоб:** мақсадлар, нархлаштириш, рақобатчилар таҳлили, бозорни эгаллаш стратегиясини ишлаб чиқиш.

#### **3-тест:**

##### **Энг самарали фаолиятингиз акс этган ҳолатни танланг**

**тўғри жавоб:** маҳсулот сотиш ҳажми рақобатчиларга нисбатан камайган, бироқ бозор улушкингиз ўтган йилга нисбатан ошган;

**муқобил жавоб:** даромадингиз ошган, бироқ бозордаги улушкингиз камайган;

**муқобил жавоб:** даромадингиз камайган, бироқ бозордаги улушкингиз ошган;

**муқобил жавоб:** маҳсулот сотиш ҳажми рақобатчиларга нисбатан ошган, бироқ бозордаги улушкингиз ўтган йилга нисбатан камайган.

#### **4-тест:**

##### **Маркетинг режасида мақсадли аудитория нима учун сегментларга бўлинади?**

**тўғри жавоб:** ҳар бир сегмент учун ўзига хос маркетинг тактикаридан фойдаланиш мақсадида;

**муқобил жавоб:** сегментлар хусусиятларини янада яхшироқанглаб олиш мақсадида;

**муқобил жавоб:** мақсадли аудиторияни аниқлаш учун;

**муқобил жавоб:** маркетинг режаси тузиш мақсадида.

## 5. КАМХАРАЖАТ МАРКЕТИНГ



# КАМХАРАЖАТ МАРКЕТИНГ

Маркетинг бюджети кичикми? Рекламага сарф қилиш учун ортиқча маблағ йүқми?  
Харидорларни бепул жалб этиш учун күлай ва харажатсиз маркетинг воситаларини синаб күринг.

## Буклет ва флаерлар

Буклетни уйма-уй тарқатиш ёки банд күчаларда тарқатиш бизнес сотувни оширишга турткы берishi мумкин энг қийин йүл – вақт ва буклетларни ишлаб чиқариш харажати холос. A5 форматидаги минглаб рангли флаерлар учун сарфланган маблағнинг самараси жуда паст.

Бизнесингиз ҳақида истеъмолчиларнинг күпроқ ҳабардорлигини ошириш учун буклетларни асосан жамоат жойлари, тиббиёт муассасалари, кутиш хоналари, корхоналар қабул хоналарида тарқатиш авфзалроқдир.

Буклет ва флаерларни тайёрлашда интернет ёки босма реклама компаниялари ёрдам беради.

Буклет ёки флаерларда қисқа ёзувлардан фойдаланиш, уларда биринчи марта харид учун чегирмалар ва совғалар берилишини ифодалаш керак. Алоқа ўрнатиш учун электрон почта ёки телефон рақамини күрсатиш лозим. Боғланиш учун электрон манзил ва веб-сайт бериш янада мақсадга мувофиқ.

## Маҳаллий газеталардан фойдаланиш.

Рекламага маблағ сарф қилиш ўрнига маҳаллий газеталарга бизнес янгиликлари ҳақида пресс-релиз юбориш керак. Бу ажойиб мақола сифатида таҳририятда чоп этилиши мумкин. Агар сиз боғдорчилик бизнеси билан шуғуллансангиз, мухбирларга шу соҳага оид мақолалар ёзишларини илтимос қилинг.

## Бошқа қорхоналар билан ишлаш.

Мақсадли аудиторияни кенгайтириш учун ҳамкор тадбиркорлар билан самарали ишлаш лозим. Ҳамкор маҳаллий корхоналар билан самарали алоқа ўрнатиш ва уларга реклама воситаларини таклиф қилиш мумкин, масалан, сиз тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарсангиз, тугма ишлаб чиқрувчи корхонани изланг ва у билан ҳамкорликда реклама эълони беринг.

## Мижозлар тавсияларини рағбатлантириш.

Сотувни харидорлар тавсияси ҳисобига жадалаштириш керак. Оғзаки билдирилган яхши фикр бебаҳодир. Ижтимоий тармоқларда фаол

бўлган харидорларга постларни ёқтиришлари ва уларни бошқаларга улашишларини сўраш, "дўстинга етказ" каби чегирмаларни таклиф қилишлозим.

## Форумларда фаол бўлиш.

Саноат формулари, учрашувлар, семинар-тренингларда фаол иштирок этиш лозим, бу ўзгаларга ёрдам бериш ва маълум соҳада эксперт сифатида эътибор қозонишга имконият беради. Мижозлар корхонани топишлари учун профилда фирма номи ва веб-саҳифа манзилини акс эттириш керак. Ижтимоий медиа тармоқларидағи саҳифаларда ҳам маслаҳат бериб боришни унутмаслик лозим.

## Блог ёки "YouTube" каналини бошлиш.

Блог ёзиш ва уни мунтазам равишда фойдали маълумотлар билан янгилаб бориш орқали мижозлар этиборини тортиш, сотувчинини тезда он-лайн топиб олишига эришиш мумкин, бу эса уларда бизнесда фаол эканлигинизга ишонч ҳосил қилишига ёрдам беради. YouTube орқали маҳсулот намуналари ва бизнесни тарғиб этувчи видеороликлар тарқатиш ҳам яхши самара беради. Мунтазам равишда жойлаштириб борилган контентлар мижозлар билан мулоқот қилиш ва янгиларини жалб этишда ёрдам беради.

## Рўйхатга қўшилиш.

Бизнесни "Google Places"га жойлаштириб, истеъмолчиларга "Google Maps" ва "Google searches" платформалари орқали корхонанини топишларга имкон яратиш лозим. Yahoo! Local ва Bing саҳифаларида ҳам рўйхатга олиш хизматлари мавжуд.

## Мижозлар этиборида он-лайн туриш лозим.

Telegram каналини яратиб, харидорларнинг дикқат марказида туриш керак. Турли каналлар орқали истеъмолчиларнинг дикқат марказида бўлиш истиқболда мижозлар топишга ёрдам беради. Турли хил веб-саҳифалар, масалан, Yelp, Golden Pages ва Yellow Pagesдан рўйхатдан ўтиш орқали мижоз ва ҳамкорларга бизнесингизни осонроқ топишга имконият яратиш зарур.

## **Бизнес танловларида иштирок этиш.**

Мукофотлар бу ажойиб эътироф ва бизнесни рақобатчилардан фарқлашга имконият беради. Бизнес танловларида иштирок этиш пулли бўлсада, кичик бизнес вакиллари учун ташкил этиладиган кўплаб бепул, айниқса стартаплар ва кичик бизнесни эътироф этувчи танловлар ҳам мавжуд. Бундай танловлар бизнесни кенгайтиришга ёрдам беради ва молиявий қўллаб-куватлаши ҳам мумкин.



### **1-тест:**

#### **Тиббиёт бизнеси учун буклетларни тарқатишга энг қулай жойни белгиланг**

тўғри жавоб: шаҳар дориҳонасининг олди;  
муқобил жавоб: тиббий кўрик пунктлари;  
муқобил жавоб: шифохоналар кириш жойи;  
муқобил жавоб: тиббий таълим муассасалари.

### **2-тест:**

#### **Болалар сумкасини реклама қилишга ҳамкор корхонани белгиланг**

тўғри жавоб: болалар сумкасига расм босувчи корхона;  
муқобил жавоб: концелярия товарлари дўкони;  
муқобил жавоб: мактабгача таълим хизматларини кўрсатувчилар;  
муқобил жавоб: болалар сумкасини ишлаб чиқарувчи бошқа корхона.

### **3-тест:**

#### **Мижоз электрон почта манзилига қўйидаги савол билан мурожат этди: “Маҳсулотингизнинг сифатли эканлигига қандай ишониш мумкин?”**

##### **Сизнинг жавобингиз қандай?**


тўғри жавоб: ҳар бир истеъмолчи менинг дўстим ва мен улар фойдасига ишлайман;  
муқобил жавоб: маҳсулотларим сертификатланган ва унинг сифатини кафолатлайман;  
муқобил жавоб: маҳсулотимнинг нархи унинг сифатини белгилаб турибди, бундай маҳсулотни бозордан бошқа топа олмайсиз;  
муқобил жавоб: маҳсулотни сотиб олсангиз, бунга гувоҳ бўласиз.

### **4-тест**

#### **Бизнесни тарғиб қилувчи видеороликлар тарқатишда энг яхши самара берувчи канални танланг**

тўғри жавоб: YouTube, Facebook  
муқобил жавоб: Golden Pages ва Yellow Pages  
муқобил жавоб: Google Places, Google Maps  
муқобил жавоб: Yahoo! Local ва Bing

## 6. КИЧИК БИЗНЕСИНГИЗНИ ВЕБ-САХИФАСИНИ ЯРАТИШ



# КИЧИК БИЗНЕСИНГИЗНИ

## ВЕБ-САХИФАСИНИ

### ЯРАТИШ

Ушбу қулай қўлланма билан камчиқим веб-саҳифасини яратиб, бизнесни самарали ташкил этиш.

Кичик бизнеснинг веб-саҳифаси маркетинг фаолияти учун асосий воситалардан биридир. Веб-саҳифани яратиш қиммат эмас ва у бизнесни мижозларга қидирув сайtlари ёки бошқа веб-саҳифадаги ҳавола орқали яқинлаштиради. Веб-саҳифа манзилини барча маркетинг воситаларида акс эттириш керак. Бу орқали истиқболдаги мижозлар учун бизнесни танитиш ва алоқага чиқиш учун қулай восита яратиш мумкин.

#### Веб-саҳифани яратиш харажатлари қанчани ташкил этади?


Оддий веб-саҳифани бепул яратиш мумкин, уни он-лайн бўлиши учун ойлик абонент ҳақини тўлаб бориш лозим. Бепул ва камхаржат веб-саҳифа яратиш имкониятлари кенг ва уларни интернет орқали он-лайн тарзда амалга ошириш имконияти мавжуд (<https://www.sayt.uz/>).

WordPress каби оддий веб-саҳифадан тортиб то он-лайн дўйонларгача яратиш мумкин бўлган муқобил бепул платформалар мавжуд. Бу имоният кўпроқ ахборот технологиялари соҳасида билим талаб этади, агар бюджет бўлса, веб-дизайнер хизматидан фойдаланиш мумкин.

Албатта, веб-саҳифа хостинги (он-лайн бўлиши) учун ҳақ тўлаш лозим. UZ доменлари қиммат эмас ва 50 Мб ҳажмдаги хостинг учун ойига қарийб 3 минг сўм тўлаб, сайт эгасига айланиш мумкин.

Домен номи веб саҳифа манзили бўлиб, у имкон қадар корхона номига мос бўлиши керак.

Исталган доменни <https://www.sayt.uz/ru/domen/regdomen> манзили орқали текшириб кўриш мумкин. Агар танланган ном банд бўлса, у ҳолда бизнесга оид бирорта белги киритиб кўриш керак. Агар танланган ном бўш бўлса, домен олиш учун дарҳол буюртма юбориш керак.



## ВЕБ-САХИФАДА НИМАЛАР БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Саҳифада қўйидаги бўлимларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ;

### Бош саҳифа:

Бош саҳифада корхона номи ва логатипи, бизнес, маҳсулот ва хизмат ҳақида ва мижозлар танлаши учун бир неча сатр маълумотлар бўлиши керак.

### Маҳсулот ва хизматлар:

сотилувчи маҳсулот ва хизматларни сайтга жойлаштириш лозим. Саҳифада "Харид қилинг!", "Батафсил маълумот", "Бепул ҳисоб олинг" каби ҳаракатга чақиравчи тугмаларни кўшиш керак.

### Корхона ҳақида:

Ушбу бўлимда кичик бизнеснинг келиб чиқиши ва асосий ходимларни кўrsatiш керак. Корхонага аъзо ва ҳамкор профессионал ташкилотлар ҳақида ҳам ахборот беришни унутмаслик керак.

### Лойихалар/мижозлар фикрлари:

Ушбу бўлимда маҳсулот ёки хизматдан фойдаланаётган мижозларнинг ижобий фикрларини келтириш, ёки бизнеснинг аввалги ва кейинги ҳолатлардаги суръатларини жойлаштириш талаб этилади.

### Боғланиш:

Почта, электрон почта манзилини, телефон рақами, иш вақтлари, Twitter ва Facebook сингари ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар манзилини киритиш керак.

## Веб саҳифангиз топишни онсонлаштириш

Кўплаб кишилар ўзларига керакли бўлган веб-саҳифани одатда Google сингари тизимлар орқали қидирадилар. Таширифчиларни веб-саҳифага жалб этиш учун қидирив натижаларининг юқорироқ қисмида туриш лозим. Масалан, агар сиз ширинлик бизнесида бўлсангиз, кимdir "Мирзо Улугбек туманида ширинликлар" сўзи орқали қидирса, қидирив натижалари рўйхатининг юқори қаторида туришингиз лозим.

Бунга эришиш учун веб-саҳифада мижозлар бизнесга ўхшаш хизмат ёки маҳсулотларни қидиришда Google да ёзадиган сўзларга мос тушадиган калит сўзларни киритиш керак. Бунда Google's калит сўзларни режалаштириш (<https://adwords.google.com/KeywordPlanner>) курилмаси ёрдам бериши мумкин.

## ВЕБ-САҲИФА ОРҚАЛИ СОТИШ

Агар маҳсулот он-лайн сотилса, веб-саҳифа харид қилиш ва тўловни амалга ошириш имконияти ва тўловларни қабул қилиш тизими функцияси бўлиши лозим. Payme ([www.payme.uz](http://www.payme.uz)) ёки uzcard (<http://uzcard.uz/index.php/uz/contacts>) бу борада кўмаклашади.

Ҳар иккала пул ўтказиш тизимини веб саҳифангизга улаш мумкин. Веб-саҳифада маҳсулот сотиб олиш осон бўлиши учун уларнинг захираси ҳақидаги маълумотларни доим янгилаб туринг, мол етказиб бериш ёки сотилган маҳсулотни кайтариб олиш шартлари ҳақида ҳам маълумот жойлаштиринг.



### 1-тест: Сизни интернет қидирив тизимидан истеъмолчилар осон топиши учун нима қилиш лозим?

**тўғри жавоб:** рекламада қидирив тизимларидағи истеъмолчилар томонидан кўп ишлатиладиган сўзлардан фойдаланиш лозим;

**муқобил жавоб:** рекламалар учун кўпроқ пул тўлаш лозим;

**муқобил жавоб:** сайтни кўпроқ каналларга йўналтириш лозим;

**муқобил жавоб:** сайтда берилаётган reklamatlar.com истеъмолчилар кўп кўллайдиган сўзлардан фойдаланиш лозим.

### 2-тест: Тадбиркор учун Веб-сайт нимага керак?

**тўғри жавоб:** бизнесни танитиш ва истеъмолчилар билан алоқа қилиш учун;

**муқобил жавоб:** тадбиркорлик фаолиятида юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун;

**муқобил жавоб:** тадбиркорлик фаолиятини бошқариш учун;

**муқобил жавоб:** корхонанинг маҳсулотларини реклама қилиш учун.

### 3-тест: Веб-сайтда маҳсулотларни он-лайн сотиши учун сайт қандай қўшимча бўлимларга эга бўлиши лозим?

**муқобил жавоб:** харид қилиш ва хавфсиз тўлов амалга ошириш ҳамда тўловларни қабул қилиш бўлимлари;

**муқобил жавоб:** товарлар каталоги, хавфсизлик бўлими ва тўлов ўтказиш бўлими;

**муқобил жавоб:** реклама ролиги, баннери ва овозли реклама;

**муқобил жавоб:** бизнес номи ва логатипи, маҳсулот ва хизматлар ҳақида маълумотлар.

## 7. "SEO" ОРҚАЛИ ИСТЕЙМОЛЧИЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ



# "SEO" ОРҚАЛИ ИСТЕММОЛЧИЛАРНИ

## ЖАЛБ ЭТИШ

| Қидиув тизимлари кўрсатадиган рўйхатнинг аввалги қаторида бўлиш ва мижозлар биринчи бўлиб веб-сайтга киришларини таъминлаш учун қидиувни оптималлаштириш тизимидан (ҚТО) фойдаланиш керак.

**SEO (Search Engine Optimization) атамаси қидиув тизимини оптималлаштириш (ҚТО) деб таърифланади. У веб-сайтнинг қидиув тизими рейтингини яхшилаш ва ташрифчиларни кўпроқ йўналтиришни англатади.**

Қидиув тизими рейтинги эса бирор киши Google, Yandex ёки Rambler сингари қидиув тизимидан фойдаланганида маълум веб-сайт жой олувчи рейтинг кўрсаткичидир. Юқори қаторларни эгаллаш веб-сайт ҳволасини кўпроқ кишилар танлаши эҳтимолидир. SEO тизими баъзида "оралиқ" ёки "бепул трафик" деб ҳам аталади, чунки у керакли мижозларга етиб боришнинг камхаржат усулидир.

Муваффақиятли SEO – энг юқори қидиув рейтингига эришиш – катта рақобат соҳасидир.

### КАЛИТ СЎЗЛАРНИ ТУШУНИШ

Калит сўзлар ёрдамида мижозларингизни топиш. Калит сўзлардан фойдаланиш – веб-сайт рейтингини оширишнинг энг самарали усулидир. Калит сўзлар истеъмолчилар томонидан кўп қўлланиувчи сўзлардан иборат бўлиши керак.

Бунинг учун мақсадли аудитория томонидан энг кўп қўлланиувчи калит сўзлар рўйхатини тузиб чиқиш керак. Бу Google сингари қидиув тизимлари учун маълум бизнес ҳақида шундай муҳим калит сўзларни танлашни билдиради, кимдир шу сўз ва ибораларни қидиув тизимларида ёзганда уларнинг қидиув натижалари бизнесни юқорироқ сатрда кўрсатади.

**Калит сўзларни танлашда эса қўйидаги сайтлар ёрдам бериши мумкин:**

<https://adwords.google.com/> ёки

<https://kwfider.com>

Оммавий калит сўзларни қўлламаслик керак, булар орқали танилган брендлар билан рақобатлашишга тўғри келади. Бунинг ўрнига кўпроқ нима сотилаётган бўлса, унга жуда боғлиқ уч ёки тўртта сўздан иборат иборалардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, агар сиз қўлбола шоколад ишлаб чиқарсангиз, қўйидаги сўзлардан фойдаланишингиз мумкин:


- **ширинлик хоҳловчилар учун қўлда ишланган шоколад;**
- **қўлда тайёрланган шоколад;**
- **қўлда тайёрланган шоколадли совғалар;**
- **қўлда тайёрланган шоколад трюфеллар.**

Юқорида келтирилган калит сўз ва иборалардан сайт сарлавҳалари, сайтнинг таркибий қисми, расм ва тасвир файллари номлари ва веб-сайтнинг бошқа қисмларини тасвирлашда фойдаланиш керак.

SEOни янада яхшироқ билишни хоҳлайсизми!

Марҳамат қўйидаги ҳаволани босинг:

<http://webology.uz/seo-nima-va-u-nega-kerak/>



# "SEO" ОРҚАЛИ ИСТЕМЛЧИЛАРНИ

## ЖАЛБ ЭТИШ

| Веб-сайтнинг қидиув тизимини  
оптималлаштириш учун саккизта мухим тавсия

### Тавсия!

#### SEO қоидалари

##### Қимматли матн (контент)

- 1 Веб-сайтда керакли, амалдаги ва фойдаланиш мумкин бўлган матн (контент) ёзилганига иқор бўлинг. Сайтда маҳсулотлар ва кўрсатилувчи хизматлар тафсилотларидан ташқари мижозларни кейинчалик ҳам сайтингизна қайтишлари ва киришлари учун фойдали маълумот ва маслаҳатларни жойлаштириб боринг.

##### Блог ёзиши бошлаш

- 2 Кичик бизнесингиз мавзусига оид форум ва блогларда қатнашиш ва калит сўзлар рейтинги ва веб-сайтнинг одатий трафикини оширишнинг самарали усулидир. Кўпинча кичик бизнес корхоналарининг веб-сайт саҳифалари кам бўлади, бу эса рейтинг имкониятларини чегаралайди. Сайт саҳифасининг кўплиги калит сўзларга кўпроқ имконият демакдир. Маҳирона тайёрланган блог эса бизнес фаолияти ҳақида янги матн ва сайтда кўплаб калит сўзлардан фойдаланилганини англаради.

##### Маълумотларни янгилаб туриш

- 3 Агар веб-сайт матнлари янгилаб турилса, Google уларга юқорироқ рейтинг тақдим этади. Google веб-сайт фаоллигини билиши учун доимий равишда янги саҳифалар очиш, янги контентлар (изоҳлар) қўшиб бориш керак. Булар сайтнинг SEO муваффақиятини оширади.

##### Ақлли тасвирлар

- 4 Сайтдаги барча тасвирлар муқобил калит сўзлар билан боғланган бўлиши ва калит сўзлар улар номларида акс этиши керак. Муқобил боғловчи тасвир номлари матн изоҳини бериши лозим.

##### Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш

- 5 Ижтимоий тармоқларда сайтнинг алоҳида саҳифасини очиш керак. Унга керакли маълумотларни ёзиб, дўстларнинг билан улашиш лозим. Статусга сайт манзилини ёзиб қўйиш талаб этилади. Ижтимоий тармоқлардаги сайтларга янги матн қўшиш ва ижтимоий тармоқлардаги қидиувларда акс эттириш керак. Ижтимоий тармоқлардаги ҳаволадан кирган ташрифчилар веб-сайтингиз мавқеини оширади.

##### Ички ҳаволаларан фойдаланиш

- 6 Веб-сайт матнида бошқа керакли бўлимдаги матнлар учун, имкон даражасида бошқа сайтларга ҳам ҳаволалар киритиш керак, чунки бу кичик бизнес веб-сайти фойдали ресурс эканини билдиради.

##### Бошқа манбалардан келадиган ҳаволаларни рағбатлантириш

- 7 Бошқа ишончли сайтлардан келган ҳаволалар веб-сайт қидиув тизими натижаларида юқорироқ рейтингга эришади. Мижозлар, ўртоқлар, ҳамкорлар ва товар етказиб берувчилар, соҳа блоггерларидан веб-сайтга ҳаволалар бериб боришларини сўраш керак.

##### Мобил телефонларга мослаштириш

- 8 Google mobil телефонга мослашувчанликни рейтинг баҳолашда қўллади, шундай экан веб-сайт mobil телефон ва планшентларда ҳам тўғри акс этишини таъминлаш лозим. Веб-сайт сифатини текшириш учун Googleнинг қуидидаги белул хизматидан фойдаланиш керак <http://testmysite.thinkwithgoogle.com/>.



### 1-тест:

#### Муваффақиятли SEO:

**тұғри жавоб:** сайтнинг эңг юқори қидирув рейтингига ершиш;

**муқобил жавоб:** интернетда самарали коммуникацияни таъминловчи тизим;

**муқобил жавоб:** сайтнинг қидирув тизимини тезлантириш воситаси;

**муқобил жавоб:** интеъмолчиларни сайтга йүналтирувчи тизим.

### 2-тест:

#### Сайтда нега оммавий калит сўзлардан фойдаланиш мумкин эмас?

**тұғри жавоб:** оммавий калит сўзлар бошқа сайтларда қўп ишлатилганлиги учун рақобатлаша олмайман;

**муқобил жавоб:** оммавий калит сўзлардан истеъмолчилар кам фойдаланади;

**муқобил жавоб:** оммавий калит сўзлардан қидирув тизимларида фойдаланиш мумкин эмас;

**муқобил жавоб:** оммавий калит сўзлардан фойдаланиш рақобатчилар имкониятларини кенгайтиради.

### 3-тест:

#### Бизнес ривожланиши учун блоггерлар нега керак ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқми?

**тұғри жавоб:** блоггерлардан фойдаланиш бизнесда брендни ривожлантиришга хизмат қиласы, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

**муқобил жавоб:** блоггерлардан фойдаланиш фақат товарлар сотилишини тезлаштириш имконини беради, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

**муқобил жавоб:** блоггерлардан фойдаланиш бизнесда рақобатчиларнинг брендни ривожлантиришига хизмат қиласы, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас;

**муқобил жавоб:** блоггерлардан фойдаланиш рақобатчилар товарлари сотилишини тезлаштириш имконини беради, улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

## 8. ИЖТИМОЙ МЕДИА БИЛАН БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



# ИЖТИМОЙ МЕДИА БИЛАН БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Кўпроқ истеъмолчиларни жалб этиш учун ижтимоий медиа каналини яратиш йўллари.

Twitter, Facebook, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқлар истиқболдаги мижозларни жалб этишда ёрдам беради, фаол мижозлар ҳисобига уларнинг дўйстлари орасида тарғиб қилишга эришиш имкониятини беради. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони йил сайн кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олганда, мижозларни сақлааб туриш ва янгиларини жалб этишда энг самарали ва арzon воситадир.

## ИЖТИМОЙ МЕДИА СТРАТЕГИЯСИНИ БЕЛГИЛАШ

**Аввало ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб, қандай мақсадларга эришишни ҳал қилиш лозим.**

Мижозларни жалб этиш ёки бизнес профилини ошириш сингари аниқ мақсадларини белгилаш керак. Жалб этилиши қўзда тутилган ташрифчилар сони ёки веб-сайтга ташриф буюрувчи мижозлар ҳисобини аниқлаб бориш лозим.

## ИЖТИМОЙ МЕДИАДА ТАРКИБНИ (КОНТЕНТ) ЯРАТИШ

**Ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни янгилаш маркетинг мақсадларига мос бўлиши – ҳеч қачон "сотаман" деб оддий хабар йўлламаслик керак.**

Ижтимоий тармоқлар аудиторияси маъноли таркиби танлайди, масалан, "қандай қилиб" рукнидаги видео, маслаҳат ва тавсиялардан фойдаланиш мумкин.

Мижозлар билан ишлаш ва уларни рағбатлантиришда танловли контентлардан фойдаланиш, уларнинг саволларга доимо жавоб қайташиб ва улар билан мулоқотда бўлинаётганини билдириб туриш лозим. Ижтимоий издош учун маҳсус имтиёзлар тақдим этиш сингари акцияларни ўтказиш керак.

## Тавсия!

Кишилар тарқатиши мумкин бўлган янгиликларни яратиш – тарқатилган контентлар бизнесга янги мижозларни йўналтиради.

## Қайси ижтимоий тармоқни танлаш керак?

Мижозларингиз фойдаланувчи бир ёки иккита ижтимоий тармоққа эътибор қаратиш яхши самара беради.

## Facebook – [www.facebook.com](http://www.facebook.com)

Facebook дунёдаги энг оммабоп ижтимоий тармоқ бўлиб, 1,4 миллиард фойдаланувчига эга. Ўзбекистонда эса ундан фойдаланувчилар қарийб 1,5 миллион кишини ташкил этади. "Facebook" янгиликлар улашиш, акциялар ўтказиш ва рағбатлашиш, мижозлар фикрлари ва олқишиларини олиш учун яхши энг самарали восита.

## Twitter – [www.twitter.com](http://www.twitter.com)

Жойлаштириладиган маълумотларни 140 белгидан иборат твитлар деб номланган хабарлар асосида чагаралайди. Twitter мижозлар саволларига жавоб бериш, маҳсус таклиф ва чегирмалар, янгиликларни улашишда энг қулай тармоқдир.

## Pinterest – [www.pinterest.com](http://www.pinterest.com)

Pinterest расмлар, видеолар ва хабарларни улашиш учун он-лайн пештахтадир. Бажарилган ишларни намойиш этиш ва фоялар билан ўртоқлашиш учун интеръер дизайнни, мода, хунармандчилик ва озиқ-овқат бизнеси соҳасида оммалашган ижтимоий тармоқдир.

## YouTube – [www.youtube.com](http://www.youtube.com)

У дунёдаги энг йирик видеомаҳсулотларни сақловчи платформа. Маслаҳат берувчи видеолар малакангизни намойиш этиш учун энг маъқул йўлдир.

## Instagram – [www.instagram.com](http://www.instagram.com)

Instagram – расмлар ва қисқа видеоларни намойиш этиш орқали янги маҳсулотларни танитиш учун энг қулай восита.

## Telegram – [www.telegram.org](http://www.telegram.org)

Телеграм тезкор хабар алмашиш воситаси бўлиб, матн хабарлашувидан ташқари фойдаланувчилар бир-бирларига 1.5 гигабайтгача бўлган маълумотларни юборишлари мумкин. Телеграмда канал ва бот яратиб мижозларни доимий равиша янгиликлардан хабардор қилиб туриш ва янги мижозларни жалб этиш мумкин.

# ИЖТИМОЙ МЕДИА БИЛАН БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бизнесда ижтимоий медиадан фойдаланиб, муваффақиятга қандай эришиш мүмкін?

## ИЖТИМОЙ МЕДИА БИЛАН МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ СИРЛАРИ

### ИЖТИМОЙ СРАТЕГИЯНИ БЕЛГИЛАШ

**Доимий равища да тез-тез маълумот юбориш**  
Ижтимоий тармоқларда кўп ахборотни бирдан-нига эмас, оз-оздан тез-тез тарқатиш керак. Контентлар банкини олдиндан тузиш, сўнгра хабарларни юборишини тартибга солиш зарур. Ижтимоий постларни режалаштириш вақтни тежашга ёрдам беради.

Facebook, Instagram ва LinkedIn ижтимоий тармоқларига кунига камидаги иккى марта пост қолдириши мақсад қилиш лозим. Twitter ижтимоий тармоғига камидаги кунига 10 марта твитлар юбориш, Pinterestда эса 50 га яқин тасвиirlарни белгилаш мухлислар эътиборини сақлаб туришга ёрдам беради.

#### Доимий алоқа

Веб-сайтни ижтимоий медиадаги саҳифаларга уланган ва бизнеснинг барча воситалари ва электрон почтада ҳам Twitter ва Facebook ижтимоий тармоқ каналларида ҳам акс этган бўлиши лозим. Мижозларни ижтимоий тармоқлар каналлари орқали алоқага чиқишига чорлаш мақсадли ҳаракатdir.

#### Тез ўйлаш

Истеъмолчининг савол ва фикрларига тезкор жавоб бериш керак, бу уларнинг эътиборини намоён этади. Тезкор жавоб истеъмолчига қадрли эканини анлаш ва бизнесни ўз дўстларига тавсия қилишни рафбатлантиради.

#### Салбий фикрларни гуруҳдан ташқари, яъни "offline" ҳолатига олиб чиқиш

Агар истеъмолчилар фикрлари салбий бўлса, суҳбатни "offline" ёки ўзаро суҳбатга олиб ўтишга ҳаракат қилиш керак. Барча ижтимоий тармоқларда шахсий суҳбат қуриш имкониятлари мавжуд. Салбий масалаларни ижтимоий тармоқда очиқ муҳокама қилишга нисбатан ўзаро суҳбатлар мақсаддага мувофиқдир.

#### Қизиқиш билдириш

Бошқа профиллар маълумотларга фикр билдириш, танилиш учун етарли ижтимоий тармоқ гуруҳларига қўшилиш керак. Ижтимоий тармоқда мухлислари кўп ва таъсир ўтказа оладиган шахслар билан яхши муносабат ўрнатиш лозим. Улар постни тарқатиши ёки олқиши қўйиши нуфузни янада оширишга ёрдам беради.

#### Кузатиб бориш ва баҳолаш

Ижтимоий медиа каналларида камидаги уч ой иш олиб бориш орқали пост, контент ва хабарларнинг энг оммалашганини аниқлаш мүмкін. Маълумотлардан қайси бири яхши натижа бераётганини ўрганиш ва маълумот қўйишини стратегияга мослаштириш, кўпроқ натижа олишга ҳаракат қилиш керак.



#### 1-тест

**Youtube орқали реклама қилиш воситасини белгилаш**

**тўғри жавоб:** медиа реклама;

**муқобил жавоб:** тасвирий реклама;

**муқобил жавоб:** овозли реклама;

**муқобил жавоб:** баннер рекламаси.

#### 2-тест

**"Facebook" даги реклага қолдирилган қўйидаги постга "Сиз бизни ишонтиришга урунманг" энг мақсадли жавобни танлаш**

**тўғри жавоб:** ишониш учун албатта харид қилинг;

**муқобил жавоб:** ишонмасангиз ўзингизга хавола;

**муқобил жавоб:** товаримиз сертификатланган;

**муқобил жавоб:** товаримга нисбатан бундай муносабатда бўлманг.

#### 3-тест.

**Ижтимоий медиа билан муваффақиятга эришишнинг асосий йўли**

**тўғри жавоб:** ижтимоий медиа стратегиясини ишлаб чиқиш;

**муқобил жавоб:** ижтимоий тармоқларни мувофиқ танлаш;

**муқобил жавоб:** ижтимоий тармоқлар маркетингидан фойдалана олиш;

**муқобил жавоб:** ижтимоий медиаларда фаол бўлиш.

#### 4-тест.

**Ижтимоий медиа стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий мақсади**

**тўғри жавоб:** мижозларни жалб этиш, бизнес профилини ошириш;

**муқобил жавоб:** брендлар бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

**муқобил жавоб:** мижозлар билан коммуникация;

**муқобил жавоб:** самарали рекламани амалга ошириш.





## 9. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА (EMAIL) МАРКЕТИНГИ



# ЭЛЕКТРОН ПОЧТА (EMAIL) МАРКЕТИНГИ

Муваффақиятли электрон почта маркетинги – мижозлар билан электрон почта манзиллари орқали бевосита алоқа қилиб, бизнесни ривожлантиришнинг камчиқим усууларидан биридир.

Ижтимоий тармоқларнинг оммалашиб бориши ва ҳамкорликдаги маркетинг қийинлашиб боришига қарамай, email маркетинг кичик бизнес корхоналари учун мақсадли мижозлар топиш ва даромадни оширишнинг энг самарали воситасидир. У амалдаги ва истиқболдаги мижозлар билан боғланишининг арzon воситасидир. Email маркетингдан фойдаланиш учун, аввало, бизнесни бошлаш билан электрон почта манзилларини тўплай бошлаш керак.

## Нима учун email маркетингдан фойдаланиш керак?

### Харажат паст

Нашр этиш, почта ёки реклама харажатлари бошқа воситаларга нисбатан паст.

### Яратиш осон

Истеъмолчиларга электрон почта жўнатмалари юбориш пухта билим ёки тажриба талаб қилмайди. Турли график ва видеолардан ҳам фойдаланиш мумкин, бироқ кўпчилик электрон почта маркетинг тадбирларида аниқ хабар ва жозибадор таклиф юбориша оддий матнли хабарлардан фойдаланади.

### Сегментлаш

Истеъмолчиларнинг турли сегментига турли мақсадлардаги хабарларни юбориш мумкин. Почта манзилларини сегментлаш, масалан, жойлар бўйича, мижозларни жалб этишни кучайтириш имконини беради. Маҳаллий сотув ва таклифлар учун email маркетингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

## ЭЛЕКТРОН ХАБАР ЮБОРИШ ТАДБИРИ

**1. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛЛАРИ РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ**  
Аввало, маркетинг хабарини олишга рози бўлган кишиларнинг электрон почта манзиллари рўйхати керак. Почта манзиллари рўйхатини пулга сотиги олиш ҳам мумкин, лекин улар қиммат ва хабарларга жавоб бериш даражаси паст. Шунинг учун рўйхатни табиий равишда веб-сайтга кирган мижоз ва ташрифчилардан тузган маъқул. Почта манзилларига янгиликни электрон хабар шаклида юбориб, рўйхатдан ўтиш учун турли имтиёз ва чегирмалар тақдим этиш керак.

### 2. СЕГМЕНТЛАШ

Истеъмолчилар сегментига электрон хабарларни мослаштириш учун почта әгалари ёши, жинси ва манзили каби қўшимча маълумотлар бўйича гурухлаш керак. Маркетинг мақсадлари тегишли аудиторияга қанчалик яқинлаштирилса, улар янада муваффақиятли бўллади.

### Кузатиш осон

Жўнатмаларнинг қайси бири самарали ёки самарасиз эканлигини кузатиш осон. Электрон почта маркетинги дастурий таъминотнинг аксариятида юборилган хабарни мижозлар очганлиги ва ундаги хаволани босганилик даражасини кузатиш имконияти мавжуд. Бу келгусидаги почта жўнатмаларини амалга ошириш, уларнинг мавзуси ва таркибини такомиллаштириш ва янада самарали қилишга имконият яратади.

### Электрон почта хабари юбориш хизматлари

Кичик бизнес веб-сайтининг электрон почтасидан хабарлар юбориш сони чеклангани туфайли маркетинг хабарларини юбориш учун ихтисослашган электрон почта хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Электрон почта хабари юбориш хизматлари хабар юборишни текшириш ва ҳаракатни кузатиш қурилмалари мавжуд бўлиб, уларнинг аксари кичик бизнес учун бепулдир. Оммавий электрон почта хабари юбориш хизмати MailChimp ([mailchimp.com](http://mailchimp.com)) масалан, кичик бизнес вакилларига биройда 12,000 мактубни 2,000 мижозларга бепулга юборишга рұхсат беради.

### 3. МАВЗУЛАР САТРИ

Мавзулар сатрини қисқа ва аниқ ифодалашга ҳаракат қилиш ва почтани кишилар очишига нима ундашини аниқлаш учун маълум соҳага оид қизиқарли мавзулардан фойдаланиш талаб этилади.

### 4. ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИШ

Почта қабул қилувчига шахсий даражада мурожат қилиш керак. Уларнинг исмларидан фойдаланишда "Хурматли мижоз," каби сўзлардан фойдаланиш лозим. Юбориладиган хабар матни ҳам шахсий бўлиши лозим, масалан, "Олдинги харидингизга миннатдорчилик сифатида..." "Сиз учун яна бир қулагилик!" каби иборалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



## 5. КОНТЕНТ

Почта хабарларининг юқори қисмида асосий хабарнинг ёнида муайян бир ҳаракатга чақирув ибораларини жойлаштириш керак. Почта хабарини яхши тайёрлаш учун тасвир ва матлар уйғунлигига эътибор қаратиш лозим, бироқ улар почта хабари очилишини секинлаштириши мумкинлигини инобатта олиш лозим.

## 6. ПОЧТА ЮБОРИШ ЖАДВАЛЛАРИ

Электрон почта хабарини тез оралиқларда юбормаслик керак. Кичик бизнесда бир ойда бир ёки икки марта хабар юборилгани мақсадидир.

## 7. БАҲОЛАШ

Ҳар бир юборган хабар натижасини электрон почта маркетинг стратегиясини яхшилаш учун таҳлил қилиб бориш керак. Яхши самара берган хабарларни аниқлаш учун уларни очиш ва хаволани босиш даражаларига эътибор қаратиш лозим.

## 8. ҚОНУННИ БИЛИШ

Email маркетинг тадбирларини бошлашдан олдин электрон почта ва бевосита маркетингга оид қоидаларни ўрганиб чиқиш керак. Мижозлар ҳақидаги маълумотлар билан ишлаш бўйича турли қонунлар мавжуд. Агар ушбу қонунларни бузилса, жарима қўлланиши ва фуқаролик жавобгарлиги бўйича иш қўзғатилиши мумкин. Истеъмолчилар томидан рад этилган маркетинг хабарлари эса "спам" ҳисобланади.



### 1-тест:

#### "Спам" нима?

**тўғри жавоб:** тижорат аҳамиятига эга фойдаланувчи томонидан сўралмаган ахборот;  
**муқобил жавоб:** тижорат аҳамиятига эга фойдаланувчи томонидан ўқилмайдиган ахборот;  
**муқобил жавоб:** тижорат аҳамиятига эга фойдаланувчи томонидан захираланган ахборот;  
**муқобил жавоб:** тижорат аҳамиятига эга фойдаланувчи томонидан ўчириб юбориладиган ахборот.

### 2-тест:

#### Почта манзиллари тўғри кўрсатилган қаторни топинг?

**тўғри жавоб:** bekziyo84@mail.ru, info@chamber.uz, tdiu.marketing@umail.uz;  
**муқобил жавоб:** <https://t.me/ilmiyjurnal>, @bozorkomuz, info@chamber.uz;  
**муқобил жавоб:** bekziyo84-mail.ru, info-chamber.uz, tdiu.marketing-umail.uz;  
**муқобил жавоб:** <https://t.me/ilmiyjurnal>, info@bozorkom.uz, info@chamber.uz.

### 3-тест:

#### Электрон хабарларни истеъмолчиларга мослаштириш учун қандай тадбир амалга оширилади?

**тўғри жавоб:** истеъмолчилар ёши, жинси ва бошқа хусусиятлар бўйича сегментланади;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори ўрганилади;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларнинг рўйхати шакллантирилади;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларнинг электрон почталарини гурухлаш асосида хабарларни йўналтириш вақти белгиланади.

### 4-тест:

#### Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиша электрон почта хабарларини алмашишда қандай мезонлар ўрганилади

**тўғри жавоб:** истеъмолчиларнинг электрон почтани очиш ва хаволани босиш даражаларига қараб;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларни электрон почталарни қабул қилган вақтига қараб;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларнинг электрон почталари номига қараб;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчиларнинг электрон почталарга жавоб беришига қараб.

# 10. РАҚАМЛИ РЕКЛАМА



# РАҚАМЛИ РЕКЛАМА

Google Ad Words билан ишлашнинг афзалликлари, рақамли реклама учун энг арzon тўлов тизимларини ўрганиш керак.

Рақамли рекламалар турлари кўп бўлиб, улар YouTube орқали видео реклама ва веб-сайтлардаги баннер рекламалардан тортиб, қидирув тизими рекламаси ва Facebook каби ижтимоий тармоқдаги медиа рекламалардан иборат. Рақамли рекламалардан фойдаланиб, кичик бизнес учун зарур мижозларга манзилли ёндашиш мумкин. Аммо маркетинг хабари рақобатчилар жўнатмаларидан ажралиб туриши ва мижозлар компьютер сичқончаси тугмасини босганда рекламани инкор этмаслигининг уддасидан чиқиш асосий муаммодир.

## Рақамли реклама турлари

### Баннер рекламаси

Он-лайн ягиликлар ва блоглар каби веб-сайтларда пайдо бўлувчи кичик график тасвирилди рекламалар ҳисобланади.

### Қидирув воситасидаги рекламалар

Фойдаланувчи керакли иборани ёзганда Google каби қидирув тизимлари натижаларида кўринадиган рўйхатдир. Реклама берувчилар маҳсус қидирув атамалари терилганда кўриниш ёки кимдир реклама хаволасини босганда пул тўлайдилар.

### Анъанавий рекламалар

Бунда reklama мақола ёки контентга ўхшайди. Маҳсулот ёки кўрсатилувчи хизмат сотилиши учун берилган реклама публицистик услубдаги мақолага ўхшайди.

### Ижтимоий рекламалар

Facebook, YouTube, Twitter ва бошқа ижтимоий тармоқларда кўринадиган реклама ёки умумий номлар ҳисобланади.

## Реклама учун тўловлар


Анъанавий оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ, рақамли реклама жойлаштирилган веб-сайт эгасига айнан шу сайтга кириб, рекламани очгандагина пул тўланадиган тизимдир. Бу эса рақамли реклама самарасини янада оширади. Бунда рақамли реклама учун фақат истиқболда мижоз бўлиши мумкин бўлган, веб-сайтга ташриф буюрувчилар учун ҳақ тўланади. Тўлов турлари эса қуидагилардан иборат:

**CPA** (cost per action) – ҳар бир ҳаракат учун тўлов. CPA тизимида сиз фақат ташрифчи reklama хаволасини босиб, ҳаракатни якунлагандагина, масалан, веб-сайтдан бирор нима сотиб олганда ёки янгиликлар хабарномасига ёзилганда пул тўланади.

**PPC** (pay per click) – хавола ҳар бир босилгани учун тўлов шакли. Бу оддий пул тўлаш шакли бўлиб, вебсайтга уланган reklama хаволасни босган ҳар бир мижоз учун ҳақ тўлаш шаклидир.

### CPM (cost per mille) – ҳар минг учун тўлов.

Бунда reklama мурасида кўрган ҳар минг киши учун ҳақ тўланади, улар хаволани босиш ёки босмасликларидан қатъий назар тўлаш учун ҳисоб юритилидади. У самарасизроқ усул, бироқ баъзида брендни reklama қилишда қўлланилади.



# РАҚАМЛИ РЕКЛАМА

Pay Per Click (PPC) – хавола ҳар бир босилгани учун тўлов тизимини яратишнинг 8 босқичдан иборат усули.

Google Adwords каби хизматлардан фойдаланиб, ўхшаш маҳсулотларни қидираётган истеъмолчиларни бизнесга йўналтириш имконини беради.

## Тавсия!

### PPC тизимини яратиш босқичлари

#### 1 Мақсадни белгилаш

Реклама аниқ мақсадга йўналтирмаса, у самарасиз бўлади. Шунинг учун реклама сотувни кўпайтириш ёки янгилик сифатида тақдим этилиши лозим.

#### 2 Бюджетни тақсимлаш

Бу қидирив тизимлари орқали реклама хаволасини босаётган ҳар бир мижоз учун тўланадиган маблағ "банки" ҳисобланади.

#### 3 Калит сўзларни танлаш

Харидорлар бизнес ёки маҳсулотга ўхшаш нарсаларни қидирганда ёзиши мумкин бўлган сўз, ибора ва белгиларни танлаш лозим.

#### 4 Калит сўзларни янгилаш

Google платформасининг Keyword воситасидан фойдаланиб, танланган калит сўзлардан фойдаланиш статистикаси ва рақобатчиларини кузатиш керак. Катта ҳажм бу кўп кишилар шу сўзлардан фойдаланиб, қидиришларини англаради. Паст кўрсаткич эса худди шу сўзларни киритгандарнинг озлигини англалади.

#### 5 Калит сўзларни киритиш

"Google Adwords"да ҳисоб очиш (<https://www.google.com/adwords/>) ва калит сўзларни киритиш керак.

#### 6 Қидирив тизими reklamasini яратиш

Истеъмолчи reklamaning устига босиши учун қизиқарли сўзлар ва сарлавҳалар топиш керак.

#### 7 Очилиш саҳифасини яратиш

Бизнеснинг маҳсус веб-сайтини очилиш саҳифасини reklama даги хавола билан боғлаш, истеъмолчини сайтнинг айнан керак бўлган саҳифасига йўналтириш керак.

#### 8 Баҳолаш ва оптималлаштиринг

"Google" нинг ҳисобот берадиган воситаларидан фойдаланиб, реклама натижаларини кузатиш лозим. Жалб этилаётган мижозга сарф қилинаётган маблағни камайтириш имконини кузатиш учун reklama нусхалари ва калит сўзларни тўғри белгилаш керак.



#### 1-тест:

**Истеъмолчи веб-сайтга кириш учун реклама устига босса ёки компанияяга құнғироқ қылганда reklama тарқатувчига пул тұлаш шакли:**

**түғри жавоб:** PPC (pay per click);

**муқобил жавоб:** CPA (cost per action);

**муқобил жавоб:** CPM (cost per mille);

**муқобил жавоб:** CLICK.

#### 2-тест:

**Истеъмолчи reklama устига босиб, интернет тұловлари орқали маҳсулот (ёки хизмат) сотиб олған мижоз учунгина reklama берувлыға пул тұлаш шакли:**

**түғри жавоб:** CPA (cost per action);

**муқобил жавоб:** PPC (pay per click);

**муқобил жавоб:** CPM (cost per mille);

**муқобил жавоб:** CLICK.

#### 3-тест

**Истеъмолчилар интернетдаги reklama устига босиши учун нима қилиш керак?**

**түғри жавоб:** истеъмолчилар ўзлари учун керак бўлган маҳсулотларни қидириш вақтида кўп фойдаланадиган сўзлардан reklamаларда фойдаланиш керак;

**муқобил жавоб:** интернетта жойлашадиган ахборотларни истеъмолчилар ўқишилари учун қўлай жойлаштириш керак;

**муқобил жавоб:** reklamаларда энг замоновий сўзлардан фойдаланиш керак;

**муқобил жавоб:** истеъмолчиларнинг интернетда бўлиш вақтларини ҳисобга олиш керак.

#### 4-тест

**Реклама орқали ҳар бир жалб этилаётган мижозга сарф қилинаётган маблагни камайтириш учун нима қилиш лозим?**

**түғри жавоб:** reklama нусхалари ва калит сўзлардан мақсадли фойдаланиш лозим;

**муқобил жавоб:** берилаётган reklamаларни истеъмолчилар очиб кўришлари учун сайтга қулай жойлаштириш лозим;

**муқобил жавоб:** веб-саҳифаларни бошқа сайтларга мақсадли йўналтириш лозим;

**муқобил жавоб:** reklamаларни веб-саҳифа очилишига мутаносиб жойлаштириш лозим.

# 11. ХАМКОРЛИКДАГИ МАРКЕТИНГ

# ҲАМКОРЛИКДАГИ

## МАРКЕТИНГ

Ҳамкорликдаги маркетингдан бизнесга истеъмолчилар эътибор қаратиш ва жалб этишда фойдаланиш керак.

Ҳамкорликдаги маркетинг тадбиркорнинг бозор фаолияти учун ажойиб ечимдир. У бизнесни тарғиб этишда бошқа кишиларнинг веб-сайт, блог ёки ижтимоий тармоқдаги профиллари орқали анъанавий маркетинг каналларидан фойдаланишга нисбатан кўпроқ мижозларни жалб этиш имконини беради. Ажойиб ёндашув – лекин харажатли. Ҳамкорлар савдодан маълум устама олиш ҳисобига бизнесни реклама қиласди, маҳсулотни турли сайтларда тасвирлайди, ҳатто ўз веб-сайти орқали сотиши ҳам мумкин. Ҳамкорликнинг турли усуллари мавжуд, жумладан, нақт пулли, қиёсий нархловчи, блоггер ва анъана сотиши каналлари шулар жумласидандир. Кўплаб ҳамкорлар товар ва хизматларни илгари суриш учун ижтимоий медиа профилидан ҳам фойдаланади.

### ҲАМКОРЛИКДАГИ МАРКЕТИНГ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ

Ҳамкорликдаги маркетинг ўзаро муносабатларга асосланган. Ҳамкор бизнесни бепул тарғиб қиласди ва истиқболдаги мижозларни веб-сайтга йўналтиради. Бунда ҳамкорга фақат веб-сайтга йўналтирилган ташрифлар ёки маҳсулотни сотиб олган истеъмолчи учун пул тўланади. Энг кўп ҳамкорлик шакллари даромадни тақсимлаш ёки сотилган маҳсулот учун тўлов амалга ошириш моделлариdir. Кичик бизнесда эса асосан ҳар бир жалб этилган мижоз учун тўлов (Pay Per Lead) ёки ҳар бир ҳаракат учун тўлов (Cost Per Action) моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳамкорликдаги маркетинг иштирокчилари қуидагилар:

- товар ва хизматлар бўйича реклама берувчи ёки сотувчи гурухлар;
- маҳсулот ва хизматларни реклама қилишни илгари сурувчи шахс, яъни нашр қилувчи гурухлар.

Кичик бизнесни бошлашда ҳамкорлик тармоқларидан ҳам фойдаланиш мумкин ([awin.com](http://awin.com)). Бундай ҳамкорлик тармоқларидан фойдаланиш учун маблағ сарфлаш лозим. Шунингдек, веб-сайтга мурожаат этиш орқали шахсий тармоқни яратиш, улар маълум тўловлар учун мижозларга мурожаат этади ёки йўқлигини тўғридан-тўғрибилиб туриш имконини беради.

### ҲАМКОРЛИКДАГИ МАРКЕТИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ҳамкорлар бизнесни кенгроқ аудиторияга тарғиб этади, истеъмолчи бизнес ҳақида хабардорлиги ва веб-сайга ташриф буюрувчи мижозлар сонини оширади. Рақамли маркетингнинг бошқа шакллардан фарқли ўлароқ, харажат паст, чунки фақат натижаларга маблағ сарфланади.

### ҲАМКОРЛИКДАГИ МАРКЕТИНГНИ БОШЛАШ

#### Ҳамкорлик дастури яратиш

Соҳага алоқадор блоггер ва ижтимоий медиа етакчилари билан боғланиш ва улардан маҳсулот ва хизматларни кўриб чиқиши, маълум устама тўлови эвазига сотишига ёрдам беришини илтимос қилинади. Муваффақиятга тез эришиши кутмаслик керак – ҳамкорликдаги маркетинг учун узоқ муддатли сармоя керак. Шунингдек, дастурни яратиш ҳам вақт талаб этади.

#### Ҳамкорлик тармоғини танлаш

Муқобил равишида сиз OLX, e-bazar, Clickbank ва бошқа бир қатор мавжуд ҳамкорлар тармоғини танлаш мумкин. Булар сизга сотишига ёрдам берувчи сайтларга бевосита йўл очиб беради. Кўплаб тармоқлар кузатув ва ҳисоб юритиш тизимларига эга бўлиб, фаолият натижалари ва қулагай тўлов тизимларини яратиш имконини беради. Ҳамкорни танлашдан олдин қуидаги вазифаларни бажариш: ҳамкорлик қилмоқчи бўлган тизимнинг савдо кўрсаткичи, хизмат ҳақи ва реклама қиласиган маҳсулот турини таҳлил қилиш лозим.

#### Устама тўловлар даражасини белгилаш

Устама тўлови турлича бўлиб, 5 фоиздан 75 фоизгача бўлиши мумкин. Сотувдан тахминан 20-30 фоизгача тўлаш мақсадга мувофиқ. Ҳамкорликни рағбатлантириш учун устама тўлов фоизини рақобатчига нисбатан юқори белгилаш ва ҳамкор ишончини қозониш лозим.

#### Тарғиб қиласиган контентлар тақдим қилиш

Ҳамкор ишини осонлаштириш учун олдиндан тарғиб этиш контенти, яъни реклама беннери, маҳсулот расми, видео ва веб-сайт хаволаларини тайёрлаш керак. Агар бунга вақт ёки малака даражаси етмаса пулли дизайнерлик хизмати ёки он-лайн дизайн хизматидан фойдаланиш зарур. Бунда қуидаги ҳамкорлар ёрдам беради: <https://flagma.uz>, <https://medialux.uz> ва ҳоказо.

## **Дастурни тарғиб қилиш**

Ҳамкор фақат маълум маҳсулот ва хизматни тарғиб этмайди, шунинг учун уларни диққат марказида сақлаб туриш лозим. Самарали ишлаб келаётган ҳамкорларга савдо акциялари, тадбирлар ва ҳоказолар бўйича доимо хабар бериб туришни унутмаслик керак.



### **1-тест.**

#### **Ҳамкорлик маркетинги иштирокчилари кимлар?**

**тўғри жавоб:** рекламачи, савдогар, нашрчи ёки блоггерлар;

**муқобил жавоб:** агентлар, диллерлар, броокерлар;

**муқобил жавоб:** сайт қурувчилар, блоггерлар, дастурчилар;

**муқобил жавоб:** истеъмолчилар, харидорлар, чакана ва улгуржи сотувчилар.

### **2-тест**

#### **Ҳамкорлик маркетингининг афзалликлари нимада?**

**тўғри жавоб:** бизнесни кенгроқ аудиторияга тарғиб этади, истеъмолчиларнинг хабардорлиги ва веб-сайтга ташриф буюрувчи мижозлар сонини ошириш;

**муқобил жавоб:** бизнесни рақобатчилардан ҳимоялайди, веб-сайтга ташрифларни оширади;

**муқобил жавоб:** савдо устумаси эвазига реклама роликларини тайёрлайди ва тарқатади;

**муқобил жавоб:** веб-сайтга истеъмолчиларни йўналтириш ҳисобига реклама фаолияти самарадорлигини оширади.

### **3-тест**

#### **Ҳамкорлик маркетингининг асосий камчилиги нимада?**

**тўғри жавоб:** натижасини олиш узоқ вақт талаб этиши;

**муқобил жавоб:** устамаларнинг юқори эканлиги;

**муқобил жавоб:** ҳамкорларни топиш қийинлиги;

**муқобил жавоб:** самарадорлик пастлиги.

## 12. АНЪАНАВИЙ РЕКЛАМА



# АНЬАНАВИЙ РЕКЛАМА

Анъанавий реклама каналлари ҳисобланган босма ва радио рекламаларидан самарали фойдаланиш – кичик бизнес учун құшимча маркетинг имкониятлари тақдим этади.

Анъанавий реклама каналлари ҳисобланган босма ва радио рекламалар бугунғы кунда РРС ва электрон почта каби он-лайн маркетинг каналларига ўз ўрнини бүшатиб берди. Бироқ кичик бизнес субъектлари учун анъанавий, яғни оффлайн маркетинг каналлари ҳам күплаб авфзалларларга әга.

Муваффақиятли кичик бизнес вакиллари он-лайн ва офф-лайн рекламаларнинг комбинациялашган шаклларидан фойдаланадилар, бу эса уларнинг асосий ўйин қоидаси ҳисобланади.

Анъана рекламадан қуидаги мақсадларда фойдаланилади:

## Анъана реклама аудиторияси билан алоқа қилишда

Одатда күплаб истеъмолчилар сегменти он-лайн технология ёки ижтимоий медиа тармоғдан фойдалана олмайди ёки қизиқмайдилар. Бу ҳолатда анъанавий реклама воситаларидан фойдаланиш мақсадға мувофиқ.

## Буклет ва плакатлар

Бизнесни реклама қилишда буклет ва плакатлардан фойдаланиш әңг арzon ва самарли бўлган оммавий реклама воситаси сифатида танилган. Агар улар хонадонлар ёки истеъмолчилар кўпроқ тўпланадиган жойларда тарқатилса, янада самаралироқ бўлади. Қайта сотиб олишни рафтагантириш учун сотилаётган маҳсулотларга чегирмалар акс этган буклет ва плакатларни қўшиб юбориш керак.

Буклет ва кичик ҳажмли (5A) плакатларни супермаркет ва бошқа жамоат жойлари, айниқса дўйконнинг кириш жойлари, эълон ва янгиликлар пештахталарига жойлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Эълонни жойлаштирган супермаркет ёки дўкон ходимини рафтагантириш, турли чегирмалар бериш, истеъмолчиларни сотувчи билан боғланиши учун эълонларда веб-сайт манзили ва электрон почта манзилларини бериш керак.

## Газета, журнал ва маълумотнома каталоглари

Нуфузли миллий газеталарда реклама танилишга ёрдам бериши мумкин, лекин улар қиммат ҳисобланади. Минтақавий газеталар, айниқса маҳаллий бизнес учун иқтисодий жиҳатдан кўпроқ самарали саналади. Газетада реклама бериш маҳаллий ҳудуд истеъмолчиларини ишончини оширади ва мавқени кўтаради. Маҳаллий газеталарнинг турли саҳифаларида отатда реклама учун жой ажратилади. График дизайнерига ҳам реклама яратishi учун бироз харажат қилишлозим.

Самарали стратегияни режалаштириш учун мақсадли сегмент қайси ахборот ресурсларидан фойдаланишини таҳлил қилиш керак.

## Рақамли маркетингдан узоқлашиш

Он-лайн маркетинг рақобати юқори ва нашриётлар веб-сайтларида кўплаб реклама берилади, бу эса бизнес рекламасини истеъмолчи диққат марказидан четлаштиради.

## Маҳаллий қизиқиши жалб этиш

Маълум географик ҳудуд аудиториясини жалб этишда фойдаланилган он-лайн реклама, маҳаллий медиа кабис самарали эмас.

## Тахририят билан бирлаштирилган маълумотлар

Офф-лайн реклама қачон самарали ишлайди? Танлов ўтказиш ёки матбуотда янги маҳсулот ҳақида эълон қилиш каби PR тадбирининг бир қисми сифатида амалга оширилганда самарали бўлади. Матбуот хабарини реклама билан бирлаштириш эса мижозларни жалб этишда ёрдам беради.

Савдо журнали ва каталоглари ҳам фойдали нашрлар ҳисобланади. Кўзланган бизнесни мўлжалга олиш учун савдо журналларидан фойдаланиш ва илк бор фойдаланилаётганда чегирма олиш учун савдолашиб лозим. «Yellow Pages» каби каталогларнинг рўйхатига кирилса, албатта уларнинг каталоглари рўйхатида бўлишни талаб қилиш керак.

## Маҳаллий радио

Радио - бизнесни реклама қилишнинг ажойиб усули. У катта аудиторияга әга ва рекламани инкор этиш даражаси паст, чунки радио эши тувшулар камдан-кам ҳолатда радио каналини ўзгариради.

Радио рекламасини ишлаб чиқишига вақт кетиши ва у қиммат бўлиши мумкин. Бунинг учун матн, мусиқа ва овоз оҳанглари, шу билан бирга, таниқли овоз соҳиблари ҳам керак бўлиши мумкин. Маҳаллий радио орқали бир ҳафта мобайнида рекламани эфирга узатиш учун маблағ ажратишни режалаштириш керак. Бюджетни ҳар минг тингловчига нисбатан бозор нархи бўйичабелгилаш лозим.

Турли радио станцияларнинг ўзига хос муҳлислари ва тингловчилари мавжуд. Шунинг учун мақсадли сегмент демографияси радионинг тингловчилар аудиторияси билан мос тушишига эътибор бериш зарур. Рекламанинг эфирга узатилиш оралиғи ҳам муҳим жиҳат саналади. Узоқ муддат давомида ҳафтасига бир неча бор узатилувчин реклама қисқа муддат давомида кунига бир неча бор узатилувчи reklamaga nisbatan samarasizroq büladi.



### 1-тест

#### Анъанавий реклама каналларини топинг

**тұғри жавоб:** босма ва радио реклама;  
**муқобил жавоб:** электрон почта ва интернет;  
**муқобил жавоб:** ижтимоий медия ва мобил реклама;  
**муқобил жавоб:** аудио, видео рекламалар.

### 2-тест

#### Маълум географик ҳудуд аудиториясини жалб этишда қайси реклама самарали?

**тұғри жавоб:** маҳаллий медиа;  
**муқобил жавоб:** он-лайн реклама;  
**муқобил жавоб:** ижтимоий тармоқлардаги реклама;  
**муқобил жавоб:** электрон почта.

### 3-тест

#### Радио рекламанинг ўзига хослиги нимада?

**тұғри жавоб:** рекламанинг истеъмолчилар томонидан инкор этилиш даражаси пастлиги;  
**муқобил жавоб:** рекламага сарф-харажатларнинг бошқа рекламаларга нисбатан пастлиги;  
**муқобил жавоб:** реклама аудиторияси юқорилиги;  
**муқобил жавоб:** реламанинг психологик таъсири юқорилиги.

# 13. МАРКЕТИНГ ҲАРАКАТЛАРНИ ҚҰЛЛАШ УЧУН ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ



# МАРКЕТИНГ ҲАРАКАТЛАРНИ ҚҰЛЛАШ УЧУН ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Маҳаллий газетадаги ахборот ёки оммавий блогда берилған хабар бизнес ҳақида хабар тарқатишига ёрдам бериши мүмкін. Шунинг учун муваффақиятли жамоатчилик билан алоқалар тадбири режасини тузишни үрганиш лозим.

Жамоатчилик билан алоқалар (PR) бизнеснинг ижобий жиһатларини омма әзтиборига хавола әтиш демекadir. Яхши PR брендни танитиши, яхши обрў қозониш ва мижозлар қизиқишини уйғотиши лозим.

Кўпинча кичик бизнес вакиллари PR тадбирларига әзтибор қаратмайдилар, бироқ PR умумий маркетинг стратегияси асосларидан бири бўлиши лозим. Самарали режалаштирилган PR тадбири бизнесда маҳсулот сотишга юқори таъсир қилиши мүмкін.

Муваффақиятли PR рекламадан кўра арzonга тушиши ва журнал ёки газетада ижобий маълумот билан чиқишига нисбатан кўпроқ самара келтиради. Чунки истеъмолчилар босма reklamalardan кўра янгиликларга ёки маҳсулот ҳақида фикрларга кўпроқ ишонадилар.

## ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР (PR) ЎРНАТИШ

Самарали PR тадбирини яратиш вақт ва ҳаракат талаб этади. Кичик бизнес вакиллари маблағ етишмаслиги туфайли PR агентларини ёллай олмайдилар, лекин кам харажат ҳисобига кўп нарсаларни уddyalaш мүмкін. PR узоқ муддатли стратегия бўлиб, мижозлар ўқийдиган маҳаллий газеталар ёки он-лайн блоглар билан самарали муносбатлар ўрнатишнинг қулай усулидир.

## ОН-ЛАЙН ПЛАТФОРМАЛАР

Бизнесга ёрдам берувчи унча қиммат бўлмаган он-лайн платформа хизматлари мавжуд. Масалан, Journolink платформаси PR тадбирни бошқариш имконини яратиб, пресс-релизни журналист ёки блоггерларга юбориши мүмкін.

## ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚА КАНАЛЛАРИ

Бизнес қамровини кенгайтириш учун қўйидагилардан фойдаланиш тавсия этилади:

### Маҳаллий медиа

Жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш учун маҳаллий газета ва радио каналлари зарурдир. Бизнес фаолияти тўғрисида маҳаллий газета ва журнallariga пресс-релиз юбориш керак. Журналистларни таклиф этиб, уларга бизнес ҳақида сўзлаб бериш ва нашрларида ёритилишини сўраш лозим.

### Блоглар ва веб-сайтлар

Бизнес соҳасига оид ёки мақсадли истеъмолчилар кўпроқ ўқийдиган блогларни топиш лозим. Уларга маълум бизнес билан танишиш, маҳсулот намуналарини бепул тақдим этиш ёки он-лайн танловлар ўтказишини таклиф қилишимумкин.

### Савдо нашрлари

Агар маҳсулот бошқа бизнес вакилларига сотилса, ҳамкорларга маҳсулотлар билан танишишга ёрдамлашиш айнан улар ўқийдиган нашрларни танлаш керак.

### Матбуот тадбирлари

Омма учун мўлжалланган реклама стенди (бепул намуналарни тарқатиши билан бирга) ёки матбуот вакилларини таклиф қилиш мүмкін бўлган янги маҳсулот ёки хизматларнинг тақдимот маросими бўлиши мүмкін.

# МАРКЕТИНГ ҲАРАКАТЛАРНИ ҚҰЛЛАШ УЧУН ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

PR тадбирини ўтказиш учун олти  
босқичли режа

## Тавсия!

### PR ТАДБИРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

#### Медиа канналарини ўрганиш

Истиқболдаги мижозлар он-лайн ва нашр этилған ҳолда нимани күриши, тинглаши ва үқишини ўрганиш лозим. Бизнес ҳақида миллій газеталарда маълумот ёритилишини энг яхши натижә деб ҳисобламаслик керак. Маҳаллий газеталар ёки он-лайн савдо сайтлари мақсадли аудиторияга эришишда самарали воситасидир.

#### Шахсийлаштириш

Журналистлар билан танишиш лозим, чунки улар пресс-релизларни ўқыйди ва нашр қилишга ёрдам беради. Ижтимоий медиа каналларини кузатиш, улардаги хабар ёки твитларини таърифлаш, улашишни ўрганиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш зарур. Маълум соҳа мутахассислари билан самарали ишлаш ва уларнинг обўусидан фойдаланиш – улар маҳсулот бўйича ижобий фикрлар бериши мумкин.

#### Матбуот муддатларини тушуниш

Пресс-релизни тайёрлаш билан унинг ёритилишини кутмаслик керак. Танланган оммавий ахборот воситаларининг нашр вақтларини аниқлаб олиш – мақола нашр этилишидан олдин уни чоп этиш учун қанча вақт талаб этилишини аниқлаш лозим. Маҳаллий газеталар одатда бир ҳафтада бир марта, журналлар эса бир ойда бир марта нашр этилади.

#### Пресс-релиз ёзиш

Пресс-релизнинг ажралиб туриши учун арзигудек янгилик дарчаси "қармоқ" қўшиш керак. Масалан, техника тавсифни санаб ўтиш ўрнига янги маҳсулот истеъмолчига қандай ёрдам бериши ёки маълум муаммони ҳал этиши мумкинлиги ҳақида ёзиш лозим. Пресс-релизларни қисқа тайёрлаш – бир варақдан ошмаслиги ва унда барча мухим маълумотлар биринчи хатбошига жойлаштирилиши зарур. Алоқа манзилларини ҳам охирiga қўшиб қўйиш талаб этилади.

#### Расмлар қўшиш

Пресс-релизга сифатли расмлар жойлаштириш керак, бу маълумотнинг нашр этилишига ёрдам бериши мумкин.

#### Маҳсулот шарҳи

Журналистларнинг бизнесга шарҳ ёки ижобий фикр беришини таъминлаш учун уларга маҳсулот намунасидан тақдим этиш зарур. Бандай тадбирларни йилнинг энг мухим воқеалари масалан, янги йил, наврӯз, мустақиллик байрамлари билан боғлашга ҳам ҳаракат қилиш керак.



### 1-тест

#### Жамоатчилик билан алоқа PR нима?

**тұғри жавоб:** бу барқарор алоқа, ишонч ва ўзаро тушуниш үрнатиши мақсадида корхонанинг мақсадлы аудиторияси билан алоқаларини бошқаришdir;

**муқобил жавоб:** маркетинг коммуникациялари йұналиши, унинг доирасыда ахборотнинг бир томонлама тарғиботи амалга оширилади;

**муқобил жавоб:** компаниянинг инновацион ривожланиши масалаларини ҳал әтиш учун молиявий, билим ва тажрибани жалб әтиш орқали кишиларни кенг миқёсда жалб әтиш.

**муқобил жавоб:** кампаниянинг самарали реклама воситаси ҳисобланиб, истеъмолчилар гурұхлари билан самарали ишлашни назарда тутади.

### 2-тест

#### Реклама ва ПР үртасидаги асосий фарқ нимани англатади?

**тұғри жавоб:** ПР оммавий ва реклама бир томонлама характерга әга;

**муқобил жавоб:** ПР омавий тадбирлар бўлса, реклама оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилувчи хабарлар;

**муқобил жавоб:** ПРдан фарқли ўлароқ, реклама истеъмолчиларнинг эътиборини жалб әтишга қаратилган;

**муқобил жавоб:** ПРдан фарқли ўлароқ, реклама истеъмолчиларда брендга содиқликликни шакллантиради.

### 3-тест

#### ПР амалиёти бўйича истеъмолчиларга таъсир этишнинг энг мақбул йўли:

**тұғри жавоб:** ҳамкорлик;

**муқобил жавоб:** мажбурлаш;

**муқобил жавоб:** қарши кураш;

**муқобил жавоб:** шартномавий шерикчилик.

## 14. МАРКЕТИНГ ТАДБИРЛАРИ

# МАРКЕТИНГ ТАДБИРЛАРИ

Маркетинг тадбирлари –  
бизнесингизга янги мижозларни  
жалб этишнинг ажойиб усули

Бизнесга янги мижозлар жалб этишнинг энг яхши усули тадбир ўтказишdir. Одатда автомобиль дилерлари, ресторанлар, чакана савдо ва кўнгилочар корхоналар, умуман, кичик бизнес вакилларининг омма эътиборга тушиш ва мижоз жалб этиш мақсадида маркетинг тадбирларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мижозлар учун тадбир ўтказишнинг тўрт босичи мавжуд: тадбиролди режалари, тарғиб этиш, тадбирни ўтказиш ва тадбирдан кейинги ишлар.

1

## ТАДБИРОЛДИ РЕЖАЛАРИ

### Тадбир мақсади

Тадбирни нима мақсадда ўтказайлётганини хал қилиш керак. Булар янги мижозларни жалб этиш, маълум соҳанинг энг яхши мутахассиси сифатида намоён бўлиш ёки янги маҳсулотни бозорга киритиш тадбирлари бўлиши мумкин.

### Тадбир тури

Тадбирнинг мақсадига боғлиқ бўлиб, чойга таклиф ва янги маҳсулот тақдимотидан тортиб, маърузачи билан учрашувларни киритиш мумкин. Бюджетта мос равишда таклиф қилинадиган меҳмонлар сони ва унга мос ҳолда таомнома тузилади. Масалан, енгил кофе-брек ўтказилиб, истеъмол қила-диган таомлардан енгилроқ ва арzonроқ бўлади.

### Тадбир жойини танлаш

Дўйкон ёки идора катта бўлса, тадбир ўтказиш учун фойдаланиш қиммат ижара пули тўла-маслик йўлидир. Агар тадбир ўтказилувчи

жойни топа олинмас, "Yellow Pages" ёрдам беради. Унда шаҳардаги тадбир ўтказувчи масканлар тўғрисида маълумот мавжуд.

### Тадбир вақти ва санаси

Тадбир санасини эҳтиёткорлик билан режалаштириш керак. Бирор-бир қонуний дам олиш ёки байрам кунлари ёки соҳага оид оммавий тадбирларга яқин бўлса, кишилар қатнашмаслиги мумкин.

### Бюджет тузиш

Тадбир бюджетини албатта режалаштириш ва ундан чиқиб қелмасликка ҳаракат қилиш керак. Сотувчи билан рақобатлашмайдиган бизнес билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилинг. Агар ўзаро ўхшаш мижозлар бўлса ёки бир соҳада фаолият юритилса, маркетинг тадбири қамровини икки баробар ошириш имконияти мавжуд. Агар бюджет бўлса, тадбир ўтказиб берувчи компаниялар хизматидан фойдаланиш лозим.

2

## ТАДБИРЛАРНИ ТАРҒИБ ЭТИШ

**Тадбирни тарғиб этиш учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш.** Facebook тармоғида гуруҳ яратиш ва эълон бериш, твиттерга ёзиш ва тадбир билан боғлиқ он-лайн жамоа яратиш лозим. Профил орқали кишилар нима сотилиши, бизнес ҳақида батафсил маълумотни билишлари керак.

**Хабарларни доим янгилаб бориш.** Кишилар яқинлашаётган тадбир ҳақида маълумот улашсалар, ёқтириб, фикр билдирсалар, тадбирнинг қамрови кенгаяди ва истиқболдаги қатнашчилар сони ҳам кўпаяди.

**Хабарномалар** ҳам режалаштирилган тадбирни реклама қилининг энг арzon усулидир. Тадбир таклифномасини почта кутилари, супермаркет ва одамлар гавжум жойларда тарқатиш керак.

Тадбир тўғрисидаги пресс-релизни маҳаллий газета ва радио станцияларга юбориш лозим, чунки журналистлар ҳам тадбирини ёритиши учун нашр қилиши мумкин.

### 3

### ТАДБИР ДАВОМИДА

**Тадбир давомида мижозлар иштироки ва кайфиятига алоҳида эътибор бериш.** Тадбир қатнашчилари келганида уларнинг сонини назорат қилиш учун рўйхатдан ўтказиш, улар ҳақида маълумотларни исмлари ёзилган бейжик ёки тадбирга тегишли нарсалар солинган пакет бериш эвазига ҳам олишга ҳаракат қилиш лозим.

Ҳар бир ташриф буюрган қатнашчига тадбир эгасини таништириш ва улар билан чин кўн-

гилдан суҳбатлашиш, бизнесни мажбурий қабул қилишга ундамаслик керак.

Агар тадбирда маъруза кўзда тутилган бўлса, албатта тайёргарлик кўриш зарур. Кишилар бизнесни эслаб қолиши мақсад қилинган бўлса, логотип туширилган ручка, пакет сингари тарқатмалар бериш лозим. Имкон қадар мижозлар ҳақида кўпроқ маълумот тўплаш ва улар билан тадбирдан сўнг алоқа қилишга кўндириш мақсадга мувофиқ.

### 4

### ТАДБИРДАН СҮНГ

Тадбирда иштирок этган ҳар бир киши билан янгилик, эксклюзив чегирма ва келажакдаги тадбирларга таклифнома юбориш орқали алоқада қолиш лозим. Иштирокчилар фикр-мулоҳазалари тадбир қанчалик самара берганини баҳолашнинг асосий мезонидир.

Шундай экан, катнашчиларга сўровномалар юбориб, тадбирни баҳолашларини сўраш лозим. Келгуси тадбирларда ҳам иштирок этишларини рағбатлантириш учун ходим, маърузачи ва ҳомийларга ташакқурномалар юбориш керак.

#### 1-тест

##### Маркетинг тадбирларини ўтказишнинг асосий мақсади нима?

**тўғри жавоб:** янги мижозларни жалб этиш;

**муқобил жавоб:** ҳайрия қилиш;

**муқобил жавоб:** ҳамкорлар топиш;

**муқобил жавоб:** истеъмолчиларга товарларни сотиш.



#### 2-тест

##### Маркетинг тадбларини тарғиб этишда қандай воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

**тўғри жавоб:** ижтимоий тармоқлардан;

**муқобил жавоб:** газета эълонларидан;

**муқобил жавоб:** SMS хабарномалардан;

**муқобил жавоб:** таклифномалардан.

#### 3-тест

##### Маркетинг тадбири самарали эканлигини баҳолашнинг асосий мезони нима?

**тўғри жавоб:** иштирокчиларнинг фикри;

**муқобил жавоб:** оммавий ахборот воситаларида ёритилиши;

**муқобил жавоб:** тадбир иштирокчилари сони;

**муқобил жавоб:** тадбирга сарф қилинган маблағ.

# 15. БЕВОСИТА МАРКЕТИНГ



# ТҮФРИДАН-ТҮФРИ МАРКЕТИНГ

Түфридан-түфри маркетингдан фойдаланиб, амалдаги мижозларга сотув ҳажмини ошириш ва янги мижозларни кўпайтириш йўлларини ўрганиш керак.

Түфридан-түфри маркетинг муайян хабарни мақсадли мижозларга етказишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали усули бўлиб, чекланган маркетинг бюджетига эга кичик бизнес вакиллари учун бренд рекламаси ва сотувни кўпайтириш учун хизмат қилади.

Түфридан-түфри маркетинг истеъмолчига электрон почта орқали хабар ва буклет юбориш орқали савдони кўпайтириш, янги мижозларни жалб этиш ва мавжудларини сақлаб қолишига ёрдам беради. Электрон почта, телемаркетинг ва SMS маркетинги кабилар бевосита маркетингнинг оммалашган усуллари ҳисобланади.

## ТҮФРИДАН-ТҮФРИ МАРКЕТИНГДА ПОЧТА МАНЗИЛЛРЎЙХАТИНИ ТУЗИШ

Истеъмолчидан келадиган жавоблар кўламини оширишда почта манзилларини түфри танлаш муҳим ўрин тутиб, доимий мижозларга маҳсулот сотишни кўпайтиришнинг асоси манбаи ҳисобланади. Шунинг учун почта номлари ва алоқа манзиллари бўйича харидорлар маълумотлар базасини яратиш лозим. Мижозлар ҳақида маълумотни сақлаш учун Excel электрон жадвали ёки бепул он-лайн электрон маълумот базалари, шунингдек, харидорлар билан муносабатларни бошқариш (Customer Relationship Management) тизими хизматидан фойдаланиш мумкин. Мижозлар ҳақида батафсил маълумотлар тўплаш лозим, бироқ маълумот сақлаш ва шахсий маълумотларга оид қоида ва хавфсизлик талабларига риоя қилишни унутмаслик лозим.

## ТҮФРИДАН-ТҮФРИ МАРКЕТИНГ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Түфридан-түфри маркетингни фақат - почта, электрон почта, SMS юбориш ёки савдо бўйича қўнғироқ-ларни амалга оширишда - алоқа қилиш учун рози бўлган ташкилот ва истеъмолчига нисбатан қўллаш мумкин. Түфридан-түфри маркетингдан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонунчиликда белги-ланган қоидаларга амал қилиш масъулиятимавжуд.

Мижозлар манзили тўғрисидаги маълумотни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг розилигисиз сотиш ёки алмашиш мумкин эмас.

Қонунда жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборот, почта, телеграф ва бошқа мулоқот ахборотларини тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва ундан фойда-

ланишга йўл қўйилмаслигини ёдда сақлаш лозим.

## ТҮФРИДАН-ТҮФРИ МАРКЕТИНГДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

### Мақсадли аудиторияни билиш

Маркетинг ахборотларини шакллантишни мавжуд мижозлардан бошлаш ва уларнинг ёши, жойлашуви ва қизиқишлигини маркетинг мақсадларига мослаштириш керак.

### Мақсадни белгилаш

Түфридан-түфри маркетингнинг асосий мақсади истеъмолчилардан келувчи жавоб даражасини ошириш ҳисобланади. Одатда почта алоқасига жавоблар истиқболдаги мижозларда амалдаги мижозлардан камроқ бўлади.

### Почта манзиллари рўйхатини танлаш

Кичик бизнес учун Түфридан-түфри маркетинг фаоли-ятига ёрдам берувчи бир қатор воситалар мавжуд. Агар почта манзиллари бўлмаса, Савдо-саноат палатасига ([www.chamber.uz](http://www.chamber.uz)) мурожат этиш ва у ердан соҳангизга мос келувчи кор-хоналар манзиллари рўйхатини бепул олиш мумкин.

### Почта юбориш хизматларини топиш

Кичик бизнес вакиллари 1000 тагача бўлган манзилларга бевосита почта юбориш имконияти мавжуд. Ундан ортиқ бўлса, почта юбориш хизматидан фойдаланиш талаб этилади. Юборилладиган почта хабарлари сонини ошириш учун маркетинг хизмати марказларидан маълумот олиш мумкин.

### Жавоб даражасини баҳолаш

Муваффақиятли бевосита маркетинг тадбири истеъмолчиларнинг юқори жавоб даражаси ёки ҳар бир жавоб остида харид ҳисобига харажатлар қопланади.

### Ишончли почта хабарини яратиш

Қизиқарли сарлавча ёрдамида хабар қабул қилувчи истеъмолчини юқоридаги хабарни ўқишига ундаш лозим. Қўпол ва тушунарсиз сўзлардан фойдаланмаслик, маҳсулот ёки хизматни истеъмолчига фойдали томонларига асосий эътибор қаратиш керак. Вақти чекланган чегирма, купон ёки совғалар таклиф қилиш орқали тез жавоб алоқасига чорлаш зарур. Телефон рақами ёки веб-сайт орқали аниқ жавоб олишга уриниш ва истеъмолчининг жавоб беришини қулайлаштириш мумкин.



#### 1-тест:

##### **Тұғридан-тұғри маркетинг нима?**

**тұғри жавоб:** истеъмолчилар билан бевосита алоқа қилиш бүйича маркетинг тадбирлари;  
**муқобил жавоб:** жамоатчилик фикрини үрганиш учун бозор тадқиқотларини олиб бориш;  
**муқобил жавоб:** компания маҳсулотлари ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали маълумотларни оммага тарқатиш;  
**муқобил жавоб:** маҳсулотлар бүйича реклама роликларини истеъмолчиларга йўллаш тадбирлари.

#### 2-тест

##### **Тұғридан-тұғри маркетингдан самарали фойдаланишининг асосий хусусияти**

**тұғри жавоб:** истеъмолчиларга Тұғридан-тұғри хабар йўллаш ва қайта алоқа;  
**муқобил жавоб:** доимий мижозлар билан самарали коммуникация воситаси;  
**муқбил жавоб:** янги мижозларни жалб этишга қаратилган маркетинг тадбири;  
**муқобил жавоб:** истеъмолчилардан сўров ўтказишнинг маҳсус усули.

#### 3-тест.

##### **Тұғридан-тұғри маркетингнинг асосий воситалари нималар?**

**тұғри жавоб:** e-mail маркетинг, мобиль маркетинг, SMS маркетинги;  
**муқобил жавоб:** PR, ижтимоий медиа маркетинги;  
**муқбил жавоб:** мобиль маркетинг, facebook;  
**муқобил жавоб:** газета, журнал, плакат рекламалари.



## 16. ПАРТИЗАНЧА МАРКЕТИНГ



# ПАРТИЗАНЧА МАРКЕТИНГ

Истеъмолчи маҳсулотни сотиб олишига зудлик билан қарор қабул қилишига эришиш учун партизанча маркетингдан фойдаланиш мумкин.

Партизанча маркетинг ва анъанавий маркетинг ўртасидаги асосий фарқ, рекламага катта маблағ сарфлаш ўрнига, маҳсулот ёки хизматларни илгари суришнинг оддий усусларидан фойдаланиб, уларни креатив тақдим этиш шаклидир.

Партизанча маркетингнинг мақсади – истеъмолчиларга маҳсулот ёки хизматларни сотиб олиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш мақсадида энг қулай шаклда ахборотлар беришдан иборат.

## ПАРТИЗАНЧА МАРКЕТИНГ СИРЛАРИ

Кичик бизнес йирик бизнесга айланиши учун унга эришишнинг қўйидаги сирлари ошкор қилинади:

- маркетинг дастурига содиқ қолиш;
- ушбу дастурни инвестициянинг бир тури сифатида қабул қилиш;
- дастурни тизимли ва изчил эканишга ишонч хосил қилиш;
- қимматга тушсада, истеъмолчининг ишончни доимо қозониш;
- бизнес доимий бўлиш учун сабрли бўлиш;
- маркетингга қурол сифатида қараш ва унинг турли-туман бўлишига эришиш;
- мижозучун доимо йўлбошли бўлишни унутмаслик;
- кичик бизнесни мижозларга қулайроқ бўлиши учун тайёрлаб бориш;
- маркетинг самарадорлигини доимо аниқлашда давом этиш;
- мижозга унинг ҳаётида иштирок этилаётганини исботлаш;
- мижозга эришиш учун партизанча ҳаракатланиш ва барча маркетинг воситаларидан фойдаланиш;
- харидордан келадиган келажақдаги фойдани мўлжаллаш.

Келтириб ўтилган қоидаларни доимо ёдда сақлаш ва маркетинг дастурларини унга мувофиқлаштириб боришни унутмаслик керак.

## Партизанча маркетинг қоидалари

### Мажбуриятлар

Агар маркетинг ёки реклама дастурига риоя қилинмаса, улар фойдага ишламайди. Маркетингдан фойдаланиш жараёнида ёдда тутиш керак бўлган энг муҳим сўз "мажбурият"dir. Бу маркетинг ишларида жиддий бўлиш керак деган маънони англатади. Мижоз ўйламайди, мижоз кутмайди. Мажбуриятсиз маркетинг кучсиз маркетингдир.

### Инвестиция

Маркетинг ва рекламага узоқ муддатли инвестиция сифатида қараш керак. Маркетинг зудлик билан мукофотловчи мўъжиза ёки сеҳрли формула эмас. Маркетингга консерватив бир инвестиция сифатида қаралмаса, унинг дастурига риоя этишда қийинчиликларга дуч келиш мумкин. Маркетинг секин, аммо барқарор ривожланишини таъминлайди.

### Мантиқийлик

Маркетингда мантиққа асосланиш керак. Кичик бизнес ўзгарувчан жараён, бироқ савдо таклифи ва хизматларни ўзgartириш, истакка кўра, ҳатто нархларни ҳам ўзgartириш, лекин шахсни (брэндни) ўзgartирмасликлозим.

### Ишончлилик

Истеъмолчилар ишончи энг муҳим натижадир. Бу учун ишонч сифат, вақт, нарх ва хизматдан кўра муҳимроқлигини унитмаслик керак.

### Ассортимент

Маркетинг воситаларига асосий ассортимент сифатида қараш лозим, бу эса истиқболда юқори даромад олиб келишига ишониш керак.

### Фаолиятнинг давомиyllиги

Кичик бизнесда янги мижозга маҳсулот сотиш доимий мижозга нисбатан олти марта қийинроқ. Доимий мижозлар сақланиб қолишни доимо таъминлайдилар.

### Ҳайратланарли

Кишилар ҳайратланарли нарсаларни одатий нарсаларга нисбатан яхши қабул қиласдилар. Кичик бизнесда истеъмолчиларни ҳайратга солувчи ишлар орқали танилинса, улар хеч қачон эсдан чиқмайди.

## Эргаштириш

Истеъмолчилар бизнесга шунчалар ишосинки, улар тадбирларда иштирок этишни чин дилдан истасинлар, албатта маълум маҳсулот сотиб олишни фахр деб билиш ва уни сотиб олмасликдан уялишига эришилади.

## Яқинлашиш

Кўлгина кичик бизнес вакиллари ўзларини ҳеч кимга қарам эмас деб ҳисоблайдилар, аммо партизанлар эса бу соҳада жангчи эмаслигини биладилар. Кичик бизнесда рақобатчиларга қарши курашдан кўра истеъмолчиларга яқинлашиш орқали рақобачиларни енгиш самара-лироқдир.

## Партизанча қуролланиш

Партизанча маркетингда асосий қурол шахсий компьютер, интернет мавжудлиги, мобил телефон, бизнес ва ташқи дунё билан боғловчи барча электрон алоқа воситалари, факс ва радио алоқасидир. Ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи юқори технологияларга нисбатан маркетинг қуроллари кўпроқ ва яхшироқ, тезроқ ва арzonроқ ишлаб чиқариш имконини беради.

## Розилик

Истеъмолчиларни маҳсулотларни харид қилиш учун рози қилиш мушкул албатта, бироқ реклама роликлари ва буклетлари билан таништиришга осонгина кўндириш мумкин. Кичик бизнесда асосий эътиборни истеъмолчиларнинг маҳсулот ҳақида кўпроқ билишга розилигини олиш партизанча ҳаракатдир.

## Партизанча маркетинг стратегиси

Кундалик режасиз иш бошламаслик керак. Мудофа қуролларисиз иш бошланса ҳам, маркетинг режасисиз иш бошламаслик асосий ўйин қоидаси. Партизанча маркетинг стратегисининг қоидаларини тушуниб олишлозим:

1. Маркетингнинг якуний мақсади – потенциал мижоз ҳаракатидир. Мижоз сифатида ўз вебсайтига ташриф буюриш, дўконга кириб савдо қилиш, корхона ходимлари билан истеъмолчи сифатида суҳбатлашиш, харид қилиш мақсадида маҳсулотни қидириб кўриш, маҳсулотни синаб кўриш учун турли касб әгаларига тақдим этиб, улардан хуносалар олиш талаб этилади.
2. Рақобатда ғолиб бўлишни эмас, истеъмолчиларда маҳсулот афзалликларини оширишни якуний мақсад сифатида белгилаш керак.
3. Мақсадли бозорни топиш.
4. Маркетинг воситаларини топиш.
5. Бозор имкониятини аниқлаш ва унга кириб бориш тактикасини топиш.
6. Бизнеснинг ўзига хос томонини кўра билиш. Стратегияни амалга оширишда бюджетни режалаштиришни унутмаслик

### 1-тест

#### Партизанча маркетинг нима?

тўғри жавоб: маркетингнинг анъанавий усуулларини креатив шаклларда тақдим этиш усулидир;

муқобил жавоб: анъанавий маркетинг усуулларига камроқ сармоялар ажратиш дегани;

муқобил жавоб: анъанавий маркетингдан фойдаланиш йўлларини самарали ўзлаштиришга қаратилган ҳаракатлар;

муқобил жавоб: инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш имкониятлари



### 2-тест

#### Партизанча маркетингнинг мақсади нима?

тўғри жавоб: истеъмолчиларнинг харид бўйича қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш;

муқобил жавоб: истеъмолчиларга мақсадли ахборотларни тўғри етказиш;

муқобил жавоб: истеъмолчилар қамровини маркетинг воситалари асосида ошириш;

муқобил жавоб: мақсадли аудитория учун оммавий реклама тадбирлари ҳажмини ошириш.

### 3-тест

#### Партизанча маркетинг стратегисининг асосий қоидаси нима?

тўғри жавоб: доимо мижозларга мослашиш ҳисси билан иш кўриш;

муқобил жавоб: доимий мижозларга хизмат кўрсатиш;

муқобил жавоб: доимий мижозларни сақлаб қолиш;

муқобил жавоб: доимо мижозларни рақобчилардан асрash.

## 17. АТАМАЛАР ЛУҒАТИ



# АТАМАЛАР ЛУГАТИ

| Оддий тил билан тушунтирилган  
маркетинг атамалари.

**Маркетинг** – истеъмолчилар эҳтиёжини англаш ва уларни самарали қондиришга қаратилган фоалият.

**Рад этиш даражаси** – веб-сайт саҳифасини очиб, кейин ҳеч қандай ҳаракат амалга оширмай, чиқиб кетган кишилар сони. Электрон почта маркетингида бу кўрсаткич мижоз почтасининг кириш қутисига тушмаган хатлар даражаси.

**Ҳаракатга чорлов** – мижоз телефон рақамини териши учун "Хозир қўнғироқ қилинг" веб-сайт хаволасини босиши учун "Батафсил маълумот учун" каби ҳаракатга чорловчи қисқа хабарлар. Конверсия даражаси – янгилик хабарномаси билан танишган ва маҳсулот сотиб олишни кўзлаб, ҳаракатни якунлаган кишилар сони.

**Cost per Lead (CPL)** – (ҳар бир манба нархи) учинчи томондан сизга йўналтирилган ва жалб этилган истеъмолчилар учун тўлов амалга ошириш шакли.

**Cost per Action (CPA)** – (ҳар бир ҳаракат нархи) кимдир реклама хаволасини босгани ва ҳаракатни якунлагани учун тўлов амалга ошириш шакли.

**Cost per Mille (CPM)** – (ҳар бир минг киши нархи) рекламани кўрувчи ҳар минг кишига тўлов амалга ошириш шакли.

**Customer Acquisition Cost (CAC)** – барча маркетинг ҳаракатларини қўшиб ҳисоблаганда (битта мижоз жалб этиш нархи) битта янги мижозни жалб этишга сарфланувчи ҳаражат.

**Customer Relationship Management (CRM)** – (Мижозлар билан муносабатларни бошқариш) мижозлар билан амалга ошириладиган боғланиш ва муносабатларни бошқариш фоалияти, одатда CRM дастурний таъминоти ёрдамида мижоз истаги, ҳаракати ва демографиясига асосланиб, маркетинг ҳаракатларини мослаштириш.

**Inbound link** – (ичкарига йўналтирилган хавола) веб-сайтга бошқа бир сайтдан келаётган хаволалар.

**Key Performance Indicators (KPI)** – (асосий самарадорлик кўрсаткичлари) муваффақиятни баҳолашда фойдаланиш учун амалга оширилган ҳаракатлар ўлчови. KPI янги мижоз жалб этиш ҳаражати сингари кузатиб бориш лозим бўлган асосий кўрсаткич.

**Калит сўзлар** – Интернетда маълумот қидираётган кишиларнинг қидирав тизимларига ёзадиган сўз ва иборалари.

**Узун думли калит сўзлар** – калит сўзни янада бойитувчи уч ёки тўрт сўздан ташкил топган иборалар. Масалан, калит сўзлардан бири "мобил соч қуриткич" бўлса, "Cardiff мобил соч қуриткичи" ва «оилалар учун мобил соч қуриткичи» узун думли калит сўзларга мисол бўлиши мумкин.

**Pay-per-Click (PPC)** – истиқболдаги мижоз ҳар сафар рақамли рекламадаги хаволани босганда реклама берувчига тўланувчи нарх.

**Return on Investment (ROI)** – (сармоянинг фойда кўрсаткичи) сармоянинг самараси ва фойдасини баҳолаш йўли. Ижобий маркетинг ROI дегани маркетинг фоалияти унга қилинган ҳаражатдан кўпроқ самара келтириши.

**Search Engine Optimization (SEO)** – (Қидирав Тизимини Оптималлаштириш) қидирав натижаларида веб-сайт кўринадиган жойни яхшилаш, юқори ўринларда туриши учун фойдали тактик усул.

**Unique Selling Point (USP)** – (Ноёб Савдо Нүктаси) бизнеснинг рақобатчилардан фарқини кўрсатувчи жиҳат.

**Word-of-Mouth (WOM)** – (оғиздан оғизга) кишиларга ахборотнинг етказилиши, одатда оғзаки ҳолатда, бироқ ижтимоий тармоқлар орқали ҳам бўлиши мумкин.

## 18. ФОЙДАЛИ ВЕБ-САХИФАЛАР



# ФОЙДАЛИ ВЕБ-САХИФАЛАР

Кўлланмада фойдаланилган веб-саҳифалар рўйхати.

**my.gov.uz** – Ўзбекистон Республикасининг ягона интерактив хизматлар портали.

**www.chamber.uz** – Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайти.

**www.stat.uz** – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти.

**www.surveymonkey.com** – маркетинг тадқиқотлари олиб бориш мақсадида он-лайн анкеталарни тузиш ва ўтказишга ёрдам берувчи веб-сайт.

**www.google.com/forms** – google қидирув тизимининг маркетинг тадқиқотлари учун ёрдам берувчи маҳсус иловаси.

**www.fierr.com** – сайт яратиш учун, логотип танлаш учун маҳсус сайт.

**www.sayt.uz** – бизнесни ривожлантириш маркази сайти.

**www.facebook.com** – фотосурат ва маълумотларга эга шахсий профил яратиш, дўйстлар таклиф қилиш, улар билан хабар алмашиш, мақом ўзгартириш ва бошқа "профиллари"га хабарлар қолдириш, фотосуратлар ва видеоларни юклаш, гуруҳлар яратиш (манфаатлар жамоатлари)га мослаштирилган энг оммалашган ижтимоий тармоқ.

**www.twitter.com** – ҳар бир ёшдаги интернет фойдаланувчилар учун веб-интерфейс, СМС, хабар алмашиш воситаси ёки учинчи томон дастурлари орқали жамоатчилик хабарлари учун энг самарали ижтимоий тармоқ.

**www.pinterest.com** – фотосуратларни жойлаштириш, фойдаланувчига он-лайн равища расм қўшиш ва уларни аниқ тўпламларга жойлаштириш ва бошқа фойдаланувчилар билан баҳам кўриш имконини берувчи ижтимоий тармоқ.

**www.youtube.com** – фойдаланувчига видеони сақлаш, етказиб бериш ва намойиш этиш хизматларини кўрсатувчи видео хостинг сайти. Фойдаланувчи ушбу видеоларни юклаш, томоша қилиш, баҳолаш, изоҳлаш, севимлиларга қўшиш ва ушбу видеоларни тарқатиши ҳам мумкин.

**www.instagram.com** – сурат ва видеоларни юклаш, алмашиш учун иловалар, фильтрларни қўллаш ҳамда уларни бошқа ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш имконини берувчи ижтимоий медиа канали.

**www.telegram.org** – кўп форматли хабарлар ва медиа файлларни алмашиш имконини берувчи ўзаро фаолият платформали массенжер.

**www.google.com/adwords** – контексли хизмат, асосан google реклама қидирувини яратади, бу эса қулай реклама интерфейси ва самарали реклама хабарларини яратиш учун кўплаб воситаларни тақдим этувчи илова дастур.

**www.awin.com** – ҳамкорликдаги маркетинг тадбирларини амалга оширишга ёрдам берувчи платформа.

БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) БМТнинг ривожланиш соҳасидаги глобал тармоғи бўлиб, ўз олдига аъзо давлатларга билим, тажриба ва маблағ манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш орқали инсонлар хаётида ижобий ўзгаришлар ясаш мақсадини қўйган. Биз 166 мамлакатда фаолият юритамиз; ушбу мамлакатларга ривожланишга оид глобал ва миллий муаммоларнинг ечимини топишларида кўмаклашамиз. Мамлакатлар ўзларининг салоҳиятларини ривожлантириш жараёнида БМТТД ҳодимлари ва кенг доирадаги ҳамкорларнинг тажриба ҳамда билимларидан фойдаланадилар.

